

# Касб байрамингиз қутлуғ бўлсин!


O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 58-59 (611-612)
2022 йил 13 август, шанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


# МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Ҳурматли қурувчи бунёдкорлар!

Муҳтарам фахрийлар!

Аввало, сиз, азизларни мамлакатимизда кенг нишонланаётган қутлуғ касб байрамингиз – Қурилиш соҳаси ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга юксак ҳурмат-эҳтиром ва самимий тилакларимни билдираман.

Маълумки, мамлакатимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлашда мазкур соҳа ходимлари – моҳир қурувчи ва меъморлар, механик ва мураккаб техникаларни бошқараётган инсонлар, лойиҳачи ва дизайнерлар, қурилиш саноати вакиллари ва пудратчиларнинг меҳнати ҳамиша муҳим ўрин тутиб келади.

Айниқса, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида катта қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилаётган, мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланган ҳозирги кунда сизларнинг масъулиятли ва шарафли меҳнатингиз кўлами ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сизларнинг тимсолингизда шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун юртимизда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари, муҳим ижтимоий объектлар, замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар барпо этиб, ҳаётимизни янада гўзал ва обод қилишга беқиёс ҳисса қўшиб келаётган олижаноб касб эгаларини кўрамиз.

Ушбу қувончли айёмда сизларни Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида эъзозлаб, шаънингизга энг юксак таъриф ва тилакларимизни изҳор этамиз, фидокорона меҳнатингиз учун чин дилдан ташаккурлар айтамиз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида барча ислоҳотларимиз марказига инсон қадри, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш бош мақсад қилиб қўйилаётгани сизларга яхши маълум, албатта.

Ана шундай улуғвор вазифани амалга оширишда бошқа соҳалар қатори қурилиш соҳаси, унинг улкан имкониятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Соҳада олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида аҳоли пунктларини қуришга комплекс ёндашув, уй-жой, турли бино ва иншоотлар билан бирга ижтимоий инфратузилма объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим, тиббиёт ва маданият муассасалари, истироҳат боғлари ва хиёбонлар, фавворалар, болалар майдончалари ва спорт масканлари бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунинг амалий тасдиғи сифатида 2022 йилги Инвестиция дастури бўйича 1 минг 868 та ижтимоий объектда кенг кўламли қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, лойиҳалари жойлардаги аҳолимиз билан бамаслаҳат ишлаб чиқилган “Янги Ўзбекистон” массивлари ҳақида алоҳида тўхталиш лозим, деб ўйлайман. Ушбу номдаги жами 29 та массивда 21 минг 312 хонадонга мўлжалланган 619 та замонавий уй-жой, шунингдек, ўнлаб янги мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари барпо этилаётганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу борада кўп қаватли уйлар ҳамда муҳандислик-транспорт коммуникациялари, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари комплекс тарзда қурилаётгани, келгуси беш йилда 250 мингдан зиёд оила замонавий қулайликларга эга бўлган уй-жойлар билан таъминланиши албатта барчамизни хурсанд қилади.

Айниқса, аҳолини арзон ва сифатли турар-жой билан таъминлаш дастурлари доирасида намунали кўп қаватли уйлар атрофида маданият ва санъат марказлари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари ва бошқа масканлар барпо этилаётгани, “Обод қишлоқ” дастури бўйича 413 та маҳалланинг бош режаси ишлаб чиқилаётгани инсон ҳақидаги эътибор ва ғамхўрликнинг амалий намунасидир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Масалан, уй-жойлар учун қурилиш материалларининг 95 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса янги турар жойларнинг сифатли ва мустаҳкам, таннархи арзон бўлишини таъминлайди, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун замоннинг ўзи қурилиш соҳасида ҳам янада муҳим ва долзарб вазифаларни олдимизга қўймоқда. Хусусан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқларни туман марказлари билан боғлайдиган замонавий йўллар қуриш, намунавий лойиҳалар асосида янги боғча ва мактаблар, оилавий поликлиникалар барпо этиш, бозор инфратузилмаси объектлари ва сервис шохобчаларини кўпайтириш, аҳоли ва пудрат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектларини қурилиш материаллари билан марказлашган ҳолда таъминлаш бўйича самарали тизим яратиш, қурилиш бозорини янги инновацион хизматлар билан тўлдириб бориш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ишончим комил, ўз ишининг чинакам устаси бўлган моҳир қурувчилар ва мутахассислар, соҳада меҳнат қилаётган барча инсонлар ўзларининг бор куч-ғайрати, билим ва тажрибасини ана шундай улкан вазифаларни муваффақиятли адо этишга сафарбар этиб, бундан буён ҳам эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қиладилар.

Ўз навбатида давлатимиз сизларнинг янада самарали фаолият кўрсатишингиз, мамлакатимиз қурилиш соҳаси салоҳиятини ошириш учун келгусида ҳам зарур шароит ва имкониятларни яратиб беради.

Сиз, азизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва хонадонларингизга қут-барака тилайман.

Қўлингиз ҳеч қачон дард кўрмасин, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азиз бунёдкорлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЎРТТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли ҳаёти ва йирик саноат лойиҳалари билан танишиш мақсадида 12 август куни Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрига ташриф буюрди.

Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларни тубдан янгилаш ва модернизация қилиш бўйича тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Бирор-бир йўналиш ёки тармоқ йўққи, халқимиз ҳаётини яхшилашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар кириб бормаган, унинг мазмунини ўзгартирмаган бўлса.

Янги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, халқимизнинг том маънодаги замонавий тарихини барпо этиш йўлида улкан марралар олинди. Натижада инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, саноатга юқори технологияларни жорий этиш, қулай инвестициявий муҳитни яратиш йўлида янги-янги имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Бекобод шаҳрининг иқтисодий-ижтимоий ривожида Ўзбекистон металлургия комбинатининг ўрни катта. Унинг таркибида ўнлаб корхоналар, ижтимоий муассасалар бор. Комбинатда 11 минг киши ишлайди.

Шу боис унинг фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, янги цехлар ишга туширилди, борлари модернизация қилинди.

Улардан бири – навли прокат мажмуаси. Қарийб 5 миллион долларлик лойиҳа эвазига бу ерга хориждан термо-мустаҳкамлаш линияси келтирилиб, жорий йил февралда ишга туширилди. Бу орқали йилига 500 минг тонна А500-А800 маркали арматура ишлаб чиқариш қуввати яратилди.

Давлатимиз раҳбари комбинатга ташрифи чоғида ушбу мажмуани кириб кўрди, лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги билан қизиқди.

Аввало, термо-мустаҳкамлаш жараёнида кимёвий моддалар тежалгани ҳисобига арматура таннархи камайган. Йилига 300 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш ҳисоб-китоб қилинган.

2-бет

## АНОНС

# АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!

«O‘zbekiston bunyodkori» ижтимоий-иқтисодий газетасининг Қурилиш соҳаси ходимлари кунига бағишланган махсус байрам сони 14 августда нашрдан чиқишини маълум қиламиз. Унинг саҳифаларидан республикамизда фаолият юритаётган соҳа ходимларининг фаолияти, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари акс этган мақолалар ўрин олган.




Ўйлаймизки, газетамизнинг махсус байрам сонидан ўрин олган мақолалар сизларга манзур бўлиб, байрам шукуҳига ҳамоҳанг бўлади.

# ЎЗБЕКИСТОНДА СЎНГГИ 10 ЙИЛЛИКДА БАЖАРИЛГАН ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

**Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонда сўнгги 10 йилда бажарилган қурилиш ишлари ҳажми:**




* 2022 йилнинг январь-июнь ойлари ҳолати.

# ҚАЙСИ ҲУДУДДА ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ СОНИ КЎП?

**Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 август ҳолатига республикамизда жами 45 612 та қурилиш корхоналари фаолият кўрсатиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 506 тага кўпайган. Бундан ташқари, шу йилнинг январ- июл ойларида 2 951 та янги қурилиш корхоналари ташкил етилди.**



O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№58-59 (611-612) 2022 йил 13 август

# МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЎРТТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ



Сурат president.uz сайтидан олинди.

1-бет

Яна бир муҳим жиҳати, бу арматура халқаро DIN стандарти сертификатини қўлга киритган. Энди ушбу маҳсулотни Европага экспорт қилиш режалаштирилган.

Президент комбинатдаги яна бир муҳим лойиҳа – Қуюв прокат мажмуасининг қурилиш майдонида бўлди.

672 миллион евролик ушбу лойиҳа натижасида йилига 1 миллион тонна пўлат листлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Мазкур лойиҳа ишга тушгач, комбинат қувватлари 2 бараварга ошади.

Бугунги кунда мажмуа учун темир йўл ва автомобиль йўли қурилиши якунланиб, темир-бетон конструкциялари ўрнатилмоқда. Италиянинг “Danieli” компанияси томонидан зарур ускуналар келтирилмоқда. Уни 2024 йилда ишга тушириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари буни жадаллаштириш ва корхонани кафолатланган хомашё билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

– Ўз вақтида бу комбинат учун 800-900 минг тонна иккиламчи қора металлни қайта ишлаш етарли эди. Лекин бугунги кунда иқтисодиётимизда қора металлга бўлган талаб 4 миллион тонна. Унинг ҳам 50 фоизи импорт ҳисобидан қопланмоқда. Шунинг учун бу корхонани тезроқ ишга туширсак, иқтисодиётимизга катта манфаат беради, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳада иштирок этаётган Туркиянинг “Renaissance Heavy Industries” ва Италиянинг “Danieli” компаниялари раҳбарлари билан ҳам суҳбатлашди.

Шундан сўнг Ўзбекистон металлургия комбинатида ушбу соҳани ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ушбу комбинат илгари мамлакатимизда қора металлургия соҳасидаги ягона корхона эди. Сўнгги беш йилдаги ислоҳотлар натижасида 200 та янги корхона ташкил этилди. Уларда 25 мингдан зиёд аҳоли меҳнат қилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида соҳада 16 триллион сўмлик товарлар тайёрланган. Темир ва темир маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,8 баробар ўсиб, 2 миллион тоннадан кўпайган.

Шу билан бирга, юртимизда бунёдкорлик ишлари, саноат лойиҳалари ҳали кўп. Бугунги кунда барча соҳаларда йилига 4 миллион тонна қора металл ишлатилмоқда. Хусусан, металлга кетадиган харажатлар улуши уй-жой қурилиши таннархида 15 фоизни, машинасозликда 40 фоизни ташкил қилмоқда.

2026 йилга бориб, мамлакатимиз иқтисодиёти эҳтиёжлари учун 6 миллион тоннага яқин металл керак бўлиши ҳисоб-китоб қилинган. Қолаверса, жаҳон иқтисодиётидаги мураккаб вазият, логистика занжиридаги узилишлар йирик металлургия корхоналари фаолиятига ҳам қийинчилик туғдирмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу шароитда фақат ўз металлургия саноатимизни жадал ривожлантириш орқали мақсадга эришиш мумкинлигини таъкидлади. Бу борадаги тўртта асосий вазифа кўрсатиб ўтилди.

Биринчиси – металл ишлаб чиқарувчи корхоналарни хомашё билан кафолатли таъминлаш. Иккинчиси – барча ҳудудларда металл ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил бўлишини қўллаб-қувватлаш. Учинчиси – юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқлари учун замонавий металл конструкциялар ишлаб чиқариш. Тўртинчиси – малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш.

Бош вазир маслаҳатчиси Б. Исломов мамлакатимизда 1 миллиард 200 миллион тонна темир рудаси захиралари борлигини қайд этди.

Янги конларда, шу жумладан, Қораўзакдаги “Тебинбулоқ” конида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

Иккинчи масала ҳақида сўз борар экан, соҳадаги корхоналарни ривожлантириш ва уларнинг негизида саноат кластерларини ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди.

Президент ҳудудлардаги шундай корхоналар раҳбарлари билан мулоқот қилди. Уларнинг импорт қилинадиган металл хомашёси ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган ускуналарни божхона божидан озод қилиш, хорижлик малакали мутахассисларнинг юртимизда ишлаши учун соддалашган виза бериш таклифларини кўриб чиқишга мутасаддиларга кўрсатма берди.

Учинчи йўналишга кўра, келгуси йилда 500 миллион долларлик маҳсулотларни маҳаллийлаштириш вазифаси қўйилди. Мутасаддилар бу борада 204 та лойиҳа таклифи ишлаб чиқилганини маълум қилди. Бу йўналишни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллийлаштирилган янги маҳсулотлар давлат корхоналари томонидан кафолатли харид қилиниши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари соҳада таълим ва илм-фанни ривожлантириш учун “Ўзметкомбинат”да Металлургия илмий марказини ташкил этиш, Геология университетида қора металлар илмий лабораторияси, Навоий кончилик ҳамда Тошкент техника университетлари қошида технопарклар очиш таклифини билдирди. Шунингдек, нуфузли хорижий компаниялар ва инжиниринг марказларида ёш мутахассислар малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида вилоят ҳокимлари, кон-металлургия комбинатлари жамоаси, тадбиркорлар ва хорижий ҳамкорлар иштирок этди.

Шавкат Мирзиёев Бекобод шаҳрига ташрифи давомида “Металлург” футбол клуби қошидаги “El Golazo” футбол академиясида ҳам бўлди.

Ушбу мактаб Испаниянинг таниқли “Реал Мадрид” клуби жамғармаси кўмагида ташкил этилган бўлиб, ўтган йили октябрда фаолият бошлаган. Табиий ва сунъий чимли стадионлар, фитнес зали, ўқув бинолари ва ётоқхонада замонавий шароитлар яратилган. Ўқув-машғулотлари “Реал Мадрид” футбол клуби анъаналарига мос равишда олиб борилади. Мураббийларнинг уч нафари испаниялик.

Бугунги кунда академияда 200 нафардан ортиқ ўқувчи сабоқ олмоқда. Бу ерда ўқиш истагидаги ёшлар кўп. Шу боис 11 ёшдан 17 ёшгача болалар танлов асосида қабул қилинади. Яқинда 48 нафар иқтидорли тарбияланувчи Испанияда маҳорат ошириб келди.

Давлатимиз раҳбари академияда яратилган шароитларни кўздан кечирди, болалар билан суҳбатлашди.

– Шундай замонавий шароитларда ўқиётганингиз, ёниб турган кўзларингизни кўриб, хурсанд бўлдим, – деди Президент. – Келгусида сизлардан машҳур футболчилар, чемпионлар етишиб чиқишига ишонаман. Энг муҳими, соғлом бўлиб улғаясиз, фарзандларингизни ҳам спортга ошно қилиб тарбиялайсиз. Мақсадимиз – ёшлар ўртасида ана шундай муҳитни шакллантириш.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга бу футбол мактаби тажрибасини оммалаштириш бўйича кўрсатма берди.

Бекободлик нуронийлар, секторлар раҳбарлари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари билан ҳам самимий суҳбат бўлди. Янги “маҳаллабай” тизимини жорий этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, фуқаролар муаммоларини ҳал қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида фикр алмашилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бекобод шаҳрига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## “ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ” УЮШМАСИДА

# “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилган ишлар

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Инсон қадри учун” тамойили асосида 2022 йил I ярим йиллигида уюшма томонидан амалга оширилган ишлар таҳлили” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда уюшма раҳбарияти ва соҳа мутахассислари амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, қурилиш материаллари нархи ва сифати, ишлаб чиқариш қувватлари ҳақида маълумот беришди.**

Анжуманда таъкидланишича, 2022 йилнинг I ярим йиллигида соҳа бўйича 15,0 трлн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 108 фоизни ташкил этди. Шундан, уюшма таркибидаги йирик саноат корхоналари томонидан 5,1 трлн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилга нисбатан 103,2 фоизга ўсган.

Хусусан, соҳа бўйича 6,8 млн тонна цемент, уюшма бўйича эса 4,4 млн тонна цемент, 15,1 млн квадрат метр 2-мм ўлчамда қурилиш ойнаси, 7,4 млн квадрат метр керамик плитка, 19,4 млн квадрат метр гипсокартон, 74,9 минг тонна қуруқ қурилиш аралашмалари, 934 минг ўрам обой, 62,7 минг тонна оҳак, 86,1 минг тонна гипс каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган.

– Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 149-Ф-сонли фармойиши билан жорий йилда цемент ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг параметрлари тасдиқланган, – деди “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Жамшид Шерметов. – Унга кўра, жорий йилда 16,4 млн тонна цемент ишлаб чиқариш ва шундан 9,5 млн тоннасини биржа савдолари орқали сотиш белгиланган. Шу йилнинг ўтган ярим йиллигида 6,8 млн тонна цемент ишлаб чиқарилди. Ушбу даврда биржа савдоларида сотилган 3,6 млн тонна цемент (75,2 %) истеъмолчиларга етказиб берилган. Бугунги кунда, биржа савдоларида 1 тонна цементнинг ўртача нархи 589,7 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, қурилиш ойнасининг нархи 38,2 минг сўм, 1 дона шифернинг нархи эса 37,1 минг сўмдан сотилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-72-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция дастури доирасида асосан “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бўйича хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокида умумий қиймати 495,7 млн доллар бўлган 21 та лойиҳа бўйича жорий йилда 172,7 млн доллар ўзлаштириш белгиланган. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришга 80,6 млн доллар ташаббускорлар маблағи, 5,0 млн доллар банк кредитлари ва 87,1 млн доллар хорижий инвестициялар ва кредитлар йўналтирилади.

Шу йилнинг январь-июнь ойларида 21 та инвестиция лойиҳалари бўйича 79,9 млн доллар инвестициялар ўзлаштирилди. Эътиборли томони, ҳисобот даврида 46,5 млн доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилган. Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурлари доирасида эса 2022 йил 1 ярим йиллигида 867 та лойиҳа бўйича 4 трлн 690 млрд сўмлик маблағлар ёки режага нисбатан 102,9 фоиз ўзлаштирилган. Ҳисобот даврида 287 млн доллар миқдорида экспорт амалга оширилиб, белгиланган режа 123,3 фоизга бажарилди ва ўсиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 бараварга таъминланди.

Ўтган ярим йил давомида уюшма таркибидаги корхоналар томонидан 271 млн долларлик импорт амалга оширилган. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида эса 514,9 млрд сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва белгиланган режа 124,1 фоизга бажарилиши таъминланди. Ушбу даврда импорт ўрнини босувчи обой, керамик плитка, керамик санитар-техника буюмлари, линолеум, безакли ойна, бетон маҳсулотлари, қурилиш эритмалари учун қўшимчалар, керамогранит каби қурилиш материаллари ишлаб чиқариш таъминланган.

# Олти ойда қанча миқдорда қурилиш материаллари экспорт қилинди?

**Бугун юртимиз иқтисодиётининг драйвери сифатида таърифланаётган қурилиш соҳаси жадаллик билан ривожланишда давом этмоқда. Ўз навбатида замонавий технологиялар ёрдамида янги қурилиш материалларининг яратилиши ҳам соҳа ривожига катта таъсир кўрсатяпти. Бунга юртимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳаллий қурилиш материалларининг нафақат ўзимизда, балки хорижга ҳам экспорт қилинаётгани бир далил бўла олади.**

АОКАда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Жамшид Шерметов иштирокида ўтказилган брифингда бу ҳақда батафсил маълумот берилди.

2022 йилнинг 6 ойлиги якуни бўйича олинган тезкор маълумотларга кўра, тармоқ корхоналари томонидан 287,4 млн доллар миқдорида қурилиш материаллари ва хизматлари экспорти амалга оширилиб, белгиланган режа 123 фоизга бажарилди. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган ҳисобот даврида қурилиш материаллари экспорти географияси анъанавий ҳисобланган бозорлар, яъни, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистондан ташқари Афғонистон, Россия, Литва, Туркия, Украина, Озарбайжон, Хитой ва Эрон давлатлари ҳисобига кенгайтирилди.

Брифингда қайд этилишича, қурилиш материалларининг асосий экспорт бозорлари – қўшни республикалар бозорлари ҳисобланиб, ушбу давлатларнинг умумий экспортдаги улуши қарийб 71 фоизни ташкил этмоқда. Хусусан, Қозоғистонга – 77,5 млн долларлик, Қирғизистонга – 37,8 млн долларлик, Тожикистонга – 28,8 млн долларлик, Россияга – 22,7 млн долларлик, Туркманистонга – 12,0 млн долларлик, Литвага – 11,8 млн долларлик, Хитойга – 8,6 млн долларлик, Польшага – 8,1 млн долларлик, Туркияга – 5,3 млн долларлик қурилиш материаллари экспорти амалга оширилган.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, аксарият қурилиш материаллар бўйича тармоқда янги қувватларни яратилиши ва модернизация қилиниши, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳамда янги корхоналарни экспортга жалб қилиниши ҳисобига баъзи турдаги қурилиш материаллари экспорти 2021 йилнинг шу даврига нисбатан бир неча баробарга ошган. Мисол учун, 2021 йилга нисбатан металл буюмлар 7 баробарга, керамик плиткалар 3 баробарга, табиий пардозбоп тошлар 3 баробарга, гулқоғоз 2 баробарга, ПВХ профил, труба ва фитинглар 2 баробарга кўп экспорт қилинган.

Бундан ташқари, бу кўрсаткичлар 49 млн доллар металл буюмлар, 40 млн долларлик ПВХ профиль, труба ва фитинглар, 39 млн долларлик керамик плитка ва керамика буюмлари, 19 млн долларлик алюмин профиль ва панеллар, 16 млн долларлик гулқоғоз ва бошқа девор қопламалари, 15 млн долларлик қуруқ қурилиш қоришмалари ва цемент маҳсулотлари, 7 млн долларлик табиий пардозбоп тошлар, 5 млн долларлик иссиқлик сақловчи материаллар, 5 млн долларлик ойна ва ойна маҳсулотлари каби қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳисобига ҳам эришилди.

# Кўп хонадонли уй-жойлар тизимида қандай ўзгаришлар бўлиши кутиляпти?

**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш, уларга туташ ер участкаларини аниқ белгилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширмоқда.**

Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда вазирлик мутахассислари бу ҳақда батафсил маълумот беришди.

Таъкидланишича, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 15 та ҳудудида кўп квартирали уй-жойлар жойлашган ерларни очиқ танлов ўтказиш йўли билан бошқарувчи ташкилотларга бириктириш бўйича лойиҳа амалга оширилган. Таҳлил натижаларига кўра, мазкур лойиҳа доирасида 1 227 та кўп квартирали уйда истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш шароитлари янада яхшиланди.

2017 – 2021 йилларда 27 792 та уй таъмирланган бўлса, 2022 – 2025 йилларда 6 085 та уйни таъмирлаш режалаштирилган. Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида бошқарувчи ташкилотларнинг кредит қарздорлиги 2 бараварга қисқарди, 500 нафарга яқин иш ўрни яратилди, ишчилар иш ҳақи ҳамда бошқарувчи ташкилотлар даромади 2 бараварга ошди.

Шу билан бирга, республикада фаолият олиб бораётган 772 та уй-жой мулкдорлари ширкатининг 311 тасида муаммоли кредитор қарздорликлари мавжуд бўлиб, 2,5 мингдан зиёд кўп квартирали уйларда истиқомат қилувчи аҳолига тегишли хизматлар кўрсатилмай ёки сифатсиз кўрсатиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 4 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларни молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-346-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, 2022 йил 1 сентябрга қадар ширкатлар мулкдорлар қарори билан тугатилган тақдирда уларнинг муаммоли кредитлари 3 йилга музлатилади ва тегишли кўп квартирали уйларни бошқариш рейтинги юқори бўлган бошқарувчи ташкилотга берилади.






Жорий йилда 2 981 та ширкатнинг бошқарувчи ташкилотларга ўтиши юзасидан умумий йиғилиш қарорлари қабул қилиниб, улар тасарруфидаги 17 530 та кўп квартирали уй бошқарувчи ташкилотларга бириктирилган. 2017 – 2022 йилларда ширкатлар 1 887,2 млрд сўм кредит олган бўлиб, ушбу кредитларнинг қопланмаган қисми 1 156,8 млрд сўмни ташкил этмоқда. Бугунги кунда 1 303 та тугатилган ширкатларнинг 627 млрд сўм кредит маблағлари 3 йилга музлатилган. Қолган 772 та ширкатдан 311 тасида 201 млрд сўм миқдоридаги муаммоли кредитлар мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муаммоли кредитлари мавжуд бўлмаган ва барқарор ишлаётган ширкатлар фаолиятига ҳеч ким аралаша олмайди. Бугунги кунда кредит олмасдан фаолият юритаётган 167 та ширкат мавжуд бўлиб, уларнинг фаолияти аҳолини қониқтириб келмоқда. Ўтган йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида бошқарув органларининг ўз маблағлари ҳисобидан 4 млрд сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 51 млрд сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

– Эндиликда кўп квартирали уйларни бошқариш органлари электрон реестрга киритилгандан сўнг фаолиятини амалга ошириши мумкин бўлади, – деди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ўринбосари Озода Жўраева. – Бундан ташқари, Қарор билан кўп квартирали уйларнинг лойиҳа ҳужжатларида, кадастр паспортида, қурилиши тугалланган кўп квартирали уйлардан фойдаланиш учун рухсатномада турар ва нотурар жойлар, умумий мол-мулк рўйхати, кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси майдони ҳамда чегаралари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт этиб белгиланди. Мазкур маълумотлар тегишли ҳужжатда белгиланмаган тақдирда, кейинги босқичдаги ҳужжат берилмайди.

Қарорга асосан, кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари ижарага берилиши ва ижара тўловлари бошқариш органларига тўланишини қатъий белгиланмоқда. Эндиликда фойдаланишга қабул қилинган кўп квартирали уй-жойни бошқариш усулини танлаш қурувчи томонидан амалга оширилади. Янги қурилган кўп квартирали уй-жойнинг олди-сотди шартномаси билан бир вақтда қурувчи томонидан танланган бошқарув усулидан сотиб олувчини хабардор қилиш ҳамда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузиш тартиби ҳам жорий қилинади.

Кўп квартирали уйларга фақат шахсий идентификация картаси орқали фойдаланиш имкониятига эга ва видеокузатув функциялари мавжуд лифт ускуналари ўрнатилиши ҳам белгиланган. Бу эса, аҳолининг дахлдорлигини ошириш ҳамда умумфойдаланиш қурилмаларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни назарда тутади.

**Ўз мухбиримиз.**

# ТАЪЛИМ МАСКАНИМИЗГА ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФ БУЮРДИ



*Билимга интилган инсон қийин шароитда ҳам, ҳатто шам ёруғида бўлса ҳам ўз устида ишлайди. Мен бу институтни тўлиқ қайта қуриш, барча шароитлар билан таъминлаш ҳақида топшириқ берганимда сиз каби ёшлар, қоракўз фарзандларимнинг келажагини таъминлашни мақсад қилганман. Сизларга тилагим – ҳар бир дақиқани қадрланг, билим олиш орқали ўзингизга инвестиция яратинг. Унутманг, вақт шиддат билан ўтиб кетади, кейинчалик қўлдан чиқарилган имкониятлар учун пушаймондан фойда йўқ.*

*Мана шу институтнинг ўзи бир вақтлар тўртта жойда жойлашганди. Талабалар ҳам, домлалар ҳам сарсон эди. Моддий техник базаси оғир бўлган. Мана, ҳаракат қилса бўлар экан-ку. Лекин бу ҳаммаси эмас. Биз архитектура-қурилиш таълими бўйича кластер устида ишлашимиз керак. Керак бўлса, мактабгача таълимдан бошлаб илмий тадқиқот марказларигача бирлашиб ишлаши керак. Токи жаҳон талабига мос бўлган етук кадрлар тайёрлансин.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

**Зафар АБДУВАЛИЕВ,**
Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор.

**Ҳафтанинг энг муҳим янгилиги сифатида куни-кеча Президентимизнинг Тошкент архитектура-қурилиш институтига ташриф буюргани бўлди, десак адашмаймиз. Узоқ кутилган учрашувни нафақат ўқитувчи ва устозлар балки талабалар ҳам ўзгача иштиёқ билан қарши олишди. Институтимизнинг замонавий, кўркам ва барча шароитлари муҳайё биноси барчамизни бирдек қувонтираётгани бор гап.**

Давлатимиз раҳбари бу ерга 2020 йил октябрда келган, институт негизида қурилиш кластери ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шундан сўнг, ажратилган майдон кенгайтирилиб, янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Аввало, институт учун иккита 5 қаватли ўқув корпуси, 8 қаватли маъмурий бино барпо этилди. Қурилиш материаллари бўйича илмий-тадқиқот маркази, лабораториялар, спорт мажмуаси, ётоқхона шу ерга жойлаштирилди. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари ушбу бунёдкорлик ишлари, таълим масканининг фаолияти билан танишди.

Юртбошимиз дастлаб тўлиқ янги бунёд этилган Тошкент архитектура-қурилиш институти бинолари билан танишди ҳамда профессор-ўқитувчилар, талабалар билан суҳбатда бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, учрашувда иқтидорли талабаларимиз Президентга ўз миннатдорчиликларини билдиришди. Талабалар институтда яратилган шароитлар ҳақида сўзлаб беришди, мақсадлари ва таклифларини билдиришди. Ўз навбатида давлатимиз раҳбари уларнинг таклифларини қўллаб-қувватлаб, мутасаддиларга кўрсатмалар берди. Талабаларнинг амалиётини лойиҳа институтлари ва қурилиш компанияларида ташкил этиш, илмий ишларига буюртмалар шакллантириш зарурлиги таъкидланди.

– Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш кафедрасида 2-босқич таянч докторантиман, – деди Ҳусан Суратов. – Олдинлари аудиторияларимиздаги жиҳозлар эски ва етарлича бўлмагани сабабли кўпгина етакчи лойиҳа ташкилотлари ҳамда илмий текшириш инстутларига хат билан мурожаат қилиб эксперемент ўтказишга мажбур бўлар эдик. Ҳозирда ўзимиз ҳам замон талабига жавоб берадиган лабораторияларга эга бўлдик. Бемалол тажрибалар ўтказа оламиз. Олдинлари ёш олимлар илм соҳасини ташаб кетишга мажбур бўлардилар. Сабаби, олаётган стипендияси нафақат оиласига, ҳаттоки ўзини эҳтиёжларига ҳам етмасди. Ўзимни илмий тадқиқот ишим қуёш коллекторларига боғлиқ бўлгани учун, ҳозирда йирик қурилиш компанияларига ўзи қураётган биноларнинг энг камида 20 фоизини қуёш коллекторлари билан жиҳозлашини жорий этишни таклиф қилмоқчиман. Бу бир вақтни ўзида ҳам қайта тикланадиган электр манбаларидан фойдаланиш, қайта тикланмайдиганларини тежаш ва атроф-муҳит экологиясига яхши таъсир кўрсатади.



Институтимиз янги биноси қурилиши доирасида 4 та бино, жумладан, 2 та 5 қаватли ўқув биноси, 8 қаватли маъмурият биноси, 5 қаватли ўқув-лаборатория биноси қурилди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тўлиқ якунланди. Айни пайтда таълим масканимизда 4 та факультет ва 23 та кафедра мавжуд бўлиб, 338 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият юритмоқда.

Институтда 22 та кундузги, 10 та сиртқи, 6 та иккинчи мутахассислик сиртқи таълим йўналишлари ва 25 та магистратура мутахассислиги бўйича талабалар таҳсил олмоқда.

Янги бинолар фойдаланишга топширилиши билан таълим қамрови ва сифати ошиши кутилмоқда. 2022/2023 ўқув йили учун 1 минг 600 дан зиёд квота ажратилган. Улар билан жами талабалар сони 7 минг 500 нафардан ортади.

Шу йилнинг 6 июль куни қурилиш ва шаҳарсозлик бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президент кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида тўхталиб, соҳадаги олий таълим муассасаларини трансформация қилиш, уларга академик ва молиявий мустақиллик бериш зарурлигини айтган эди. Шунга мувофиқ, институтнинг ташкилий-бошқарув тизимини ислоҳ қилиш бошланди. Уни муҳандислик, архитектура, қурилиш ва қурилиш материаллари технологиялари, рақамли қурилиш йўналишларига ихтисослаштириш мўлжалланган. Бу йилдан “Рақамли Университет” тизимини жорий этиш, келгуси ўқув йилидан бошлаб, кириш имтиҳонларини халқаро стандартлар асосида йилига икки марта ўтказиш режалаштирилган.

– Биз янги, замонавий йўналишлар устида бош қотиряпмиз, – деди институт ректори Эржан Каҳя. – Давлат раҳбари Тошкент архитектура-қурилиш институти мамлакатни етук мутахассислар билан таъминлай оладиган етакчи олийгоҳларидан бири бўлишини истайди. Биз бу ният рўёбига ишонамиз. Шароитларни кўраяпмиз. Бу маскан келажакда Истамбулдаги ёки Вашингтонда шу йўналишда кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари билан рақобатлашадиган университетлардан бири бўлади. Бизга кўпмас, беш йилча муддат керак. Ана ўшанда, Ўзбекистон энг замонавий бинолар қурилиши учун ҳам хориждан мутахассис чақиришига эҳтиёж қолмайди.

Институт янги биноларидаги жами 126 та хона ўқув машғулотлари ўтказишга мўлжалланган бўлиб, шундан 3 таси 120-150 кишилик, 16 таси 50-70 кишилик, 62 таси 30 кишилик, 25 таси 7-24 кишилик аудиториялар, 9 та махсус жиҳозланган чет тиллари хонаси ҳамда 11 та компьютер синфлари ташкил этилган.

Шунингдек фаоллар зали, Талабалар клублари (релаксзона), архитектура ва қурилиш соҳасига мўлжалланган замонавий ўқув лабораториялари, институтнинг Ахборот ресурс маркази, тиббиёт бўлими жойлашган. 2 қаватли спорт зали биносида ёпиқ спорт зали, ошхона, тренажёр зали, рақс зали ва видео-аудио ёзиш студияси мавжуд. Институт ҳудудида очиқ спорт майдончалари жойлашган.

Институтимиз фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор ишларни амалга оширяпмиз. Хусусан, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, Институт фаолиятида “Рақамли университет” тизимини жорий этиш, битирувчиларни хорижда магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таҳсил олишини ташкил этиш, ва шу орқали, соҳада илмий, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини жадал ривожлантириш, маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматлар, илмий-тадқиқот ҳамда инновацион хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, “Ёш архитектор ва муҳандислар маркази” ва “Технопарк” ташкил этиш кабилар шулар жумласидандир.

# Қурувчи қийинчиликлардан қўрқмаслиги керак!

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қаҳрамонимиз дунё кўрган қурувчи бўлишига қармай, ёшлигида бу соҳани танлаш хаёлига ҳам келмаганини айтганида ҳайратга тушдик. Чунки одатда аксарият ўғиллар албатта, ота касбини давомчиси бўлади.**

– Тўғрисини айтсам, қурувчиликни ҳаётнинг ўзи менга тақдим этган, – деди айни пайтда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида қурилаётган ўзбек-турк қурувчиларининг ижод маҳсули ҳисобланган – “Akay city” комплексида инженер сифатида фаолият юритиб келаётган Султонхон Яҳёев. – Қолаверса, отам тажрибали қурувчи Ҳамидулла Яҳёев бу соҳани танлашимнинг асосий сабабчиси. У киши мени ёнига олиб, ўз касбининг барча сирларини ўргатди, яхши устозга рўпара қилди. Отамнинг бир гапи умрбод ёдимдан чиқмайди: “Қурилиш соҳасида ишлайдиган инсон ҳаётда мустаҳкам ўрнини топади. Фақат, бу йўлда ҳеч қандай қийинчиликдан қўрқмаслиги керак!”. Отамнинг қурилишда қийналиб ишлагани, ярим тунда келиб, тонг ёришмай яна чиқиб кетгани, изғирин ёки жазирамада ҳам тиним билмаганини кўриб ўсганим учун ҳам балки бу касбга ҳавас қилмагандирман. Аммо бугун қурувчилик – ҳаётимнинг мазмуни, деб бемалол айта оламан.

Замонавий шаҳарсозликнинг ёрқин намунаси сифатида ўзгача қиёфада қад ростлаётган “Akay city” мажмуаси айни пайтда пойтахтимизга ўзгача кўрк бағишламоқда. Мақоламиз қаҳрамони Султонхон Яҳёев ўз жамоаси билан ушбу объект қурилишида уч йилдан буён асосан, темир-бетон ва фасад ишлари билан шуғулланиб келяпти. У кишининг қурувчилик соҳасига кириб келишини бутун бошли тарихга қиёсласак, арзийди.

...1993 йили мактабни тугатиб, дипломат бўлиш орзусида ҳужжат топширган Султонхон афсуски, ўзи хоҳлаган ўқишга кира олмади. Шундан сўнг, отасининг таклифи билан у ишлайдиган қурилиш объектига жойлашади.

– Отамнинг фикрича, фаолиятни энг оддий ишдан бошламаса, қурилишни ўрганиб бўлмайди. Шу боис, мен ҳам энг аввал ғишт терувчига шогирд тушдим. Энг оғир ишларнинг барчасини бажариб, тажриба орттирдим. Отамнинг тавсияси билан мастеримиз Абдурашид акадан соҳанинг барча икир-чикирларини эринмай ўргандим.



У кишини ҳақли равишда илк устозим дея, айта оламан. У киши қурилиш материалларининг қандайлигини, қайси бири нима мақсадда ишлатилишини, қандай ҳисоб-китоб қилинишини ўргатган.

Ишлаб юриб, устозимнинг маслаҳати билан Марғилон қурилиш техникумига ўқишга кирдим. Уч йил сиртдан ўқидим. Кириш имтиҳонида ҳаммадан юқори балл олганман, ўқишга иштиёқим баландлиги туфайли қизиқиб билим олдим. Одатда, сиртқида ўқийдиганлар дарс қилишмайди, дейишарди. Аммо мен барча фанларни пухта ўрганиб, дипломни ҳам аъло баҳога ҳимоя қилганман. Ҳатто дипломимни мақтов тахтасига илиб қўйишган. Институтга кирולмаганим учун ҳам техникумда катта иштиёқ билан ўқигандирман, балки, – деди қаҳрамонимиз.

Гарчи олий маълумотли бўлмаса-да, соҳани яхши ўзлаштириб келаётган ёш мутахассис тез орада кўпчиликнинг эътиборига туша бошлайди. Шу тариқа Фарғона азот заводига ишга ўтади. Бу ерда ҳам иқтидори, интилиши ва ҳаракати билан ўзини кўрсата олгани учун раҳбарият томонидан Қурилиш бўлимига ишга таклиф қилинади. Хорижлик инвесторлар, хусусан, француз қурувчилари билан завод реконструкциясида инженер сифатида фаолият юритади. Сўнгра, чехлар билан яна бир завод қурилишида иштирок этди.

Ёшликдаги иштиёқ қалбида ҳамон ўт олиб тургани боис, Султонхон ака олий маълумотли кадр бўлиш орзусидан асло воз кечмайди. Шу боис, заводдаги иш фаолияти давомида Фарғона Политехника институтининг қурилиш материаллари йўналишига ўқишга кириб, 2008 йилда битиради. Яхши ишлагани учун завод маъмурияти шартнома пулини тўлаб берди.

– Кейинроқ юртимизда қурилишлар камайиб, мен ишлаётган штат қисқариб кетди, – дея эслайди Султонхон Яҳёев. – Худди шу пайтда Россиядан дўстим қурилиш фирмасига ишга таклиф қилиб қолди. У ерда асосан, офисда ҳужжат ишлари билан шуғулландим.

– Объектда ҳам ишлай оласанми? – деб сўраб қолди бир корхона бошлиғи.

– Албатта, – дедим хурсанд бўлдим. – Чунки хат-ҳужжатдан кўра, объектда ишлаш қизиқарлироқ эди-да.

Шу тариқа дунёнинг йирик қурилиш фирмаларида ишлаб, немис заводи, меҳмонхоналар, Меридиан турар жой биноси, Москва шаҳридаги катта савдо мажмуалари қурилишида иштирок этдим. Дунёнинг қурилиш саноати ривожланган давлатлари қурилиш фирмаларида ишлаш менга ўзгача завқ бағишлар эди. Қурилишга бўлган муҳаббатим янада кучайди, қизиқишим ортди. Чунки янги техникалар, замонавий қурилиш материаллари, маҳоратли мутахассислар билан фикрлашиш мени бу соҳага янада яқинлаштирди. Бу орада йирик турк компаниялари таркибида катта объектлар қурилишида ҳам фаолият олиб бордим. Айниқса, американиклар билан дунёда атиги тўрт-бештагина давлатда мавжуд бўлган улкан аквариумни қурганимиз ҳаётимдаги унутилмас воқеалардан бири бўлган. 20 метр баландликда, 12 метр диаметрда қурилган ушбу аквариум Россиядаги биринчи йирик аквариум ҳисобланган. Катта ҳажмда бўлгани учун бетон ишлари ҳам жуда мураккаб эди. Айнан шу қурилишда мен рекорд натижага эришдим. 20 метрли колоннани бир мартада узмасдан қуйишни уддаладим. Буни ўша пайтда ҳали ҳеч ким қуймаган экан. Олдинлари 10 метргача қуйганман, уни ҳам бир мартада эмас. Шу тариқа бирин-кетин қурилиш соҳасининг барча қирраларини ўзим учун кашф қила бошладим.

Қурилишдаги бу қизғин иш жараёни Султонхон Яҳёевнинг соғлигида муаммо пайдо бўлгунга қадар давом этди. Кечаю кундуз, иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай ишлаш оқибатида ўт пуфагини олдиришга мажбур бўлган қаҳрамонимиз анча пайт Москвада даволанди. Шифокорлар унга бир йил қурилишда ишлашдан чеклашди. Россияда бирга ишлаган турк компаниялари кейинчалик юртимизда ҳам иш бошлади. Россияда бирга ишлаган танишлари уни ҳам юртимиздаги қурилишларга таклиф қилишди. Соғайиб, яна қурилишга қайтган Султонхон ака шу тариқа “Akay city” мажмуасида иш бошлади.

– Гарчи саломатлигим панд берса ҳам, мен бу соҳадан ўзимни айро тасаввур қила олмайман, – дея суҳбатни давом эттирди қаҳрамонимиз. – Касбим туфайли бугун жамиятда обрў-эътибор орттирдим, ҳурматга эришдим. Қизимни узатдим. Катта ўғлим ҳозир Туркияда архитектура йўналишида ўқияпти. Кичик ўғлим ўн бир ёш, у ҳам келажакда менга ўхшаб муҳандис бўлмоқчи. Мажбурлаш йўқ, фарзандларим ўзлари истаган касбини танлашини хоҳлайман. 12 йил Россияда ишлаб юртимизга қайтдим. Ўзбекистонда ҳам бугун қурилиш анча кўпайган, соҳа ривожланиб, замонавий технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Лойиҳалар мукаммаллашиб, ранг-баранглашган. Бундан жуда хурсандман. Хорижда ўрганганларим, кўрганларимни энди юртимиз қурилиш соҳасида қўллаб, унинг тараққиётига ҳисса қўшмоқчиман.

Бу касбда ишлаб нималарни йўқотдингиз ва нималарга эришдингиз, деган саволимизга қаҳрамонимиз узоқ ўйланиб, шундай жавоб берди:

– Қурувчи сўзини синоними яратувчи сўзига тўғри келаркан. Эришганларим – инсонлар учун йиллар ва асрлар давомида қадрли бўлган бинолар яратишга ҳисса қўшганимдир. Саломатлигим озроқ панд берганини айтмаса, менимча, бу соҳада ишлаб ҳеч нарса йўқотмадим. Агар пешонада бўлса, қайси касбни танлашимдан қатъи назар бу касалликка йўлиқишим мумкин эди. Болалигимда дипломат бўлишни орзу қилгандим, лекин кейинчалик қурувчиликнинг янги қирралари ва яхши томонлари кўплигини билганимда, армоним қолмади. Шу касбим туфайли бошқа ўлкаларни кўрдим, ўзга юртлардаги қурилишларда қатнашдим. Келгусида бу тажрибаларимни ёшларга ўргатиш мақсадида хусусий қурилиш корхонаси очиш ҳақида ҳам ўйлаганман.

Келгусида юртимиз қурилиш корхоналари ҳам хорижнинг энг зўр компаниялари даражасига етиб, улардан-да мукаммал бино-иншоотлар қуришга ишонаман. Бунинг учун энг аввало, улардагидек пухта ишланган қурилиш нормалари ва стандартларини яратиш керак. Қолаверса, қурилиш жараёнида пудратчининг масъулиятни ҳис қилган ҳолда ишлатиладиган материаллар ва қурилиш ишларининг кўп қиррали назоратини амалга ошириши ҳам муҳим. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида янги технологияларни татбиқ қилиш ҳам жуда фойдали эканини хорижда кўп маротаба кўрдим.

Бундан ташқари, қурилишда рақобатни орттириш, буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги алоқаларни аниқ ҳуқуқий шакллантириш, масъулиятларни ёзма равишда юклатиш ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш асосий омил эканини унутмасак, яхши бўлар эди. Эътибор берган жиҳатим, чет мамлакатларда ҳар бир қурилиш фирмаси ўз обрўйини орттириш пайида бўлади. Шу боис, қурилиш жараёнида хато қилмасликка интилади. Яъни, фирмалар бугунги кунни эмас, эртанги кунини ўйлаб иш қилади. Айнан шу жиҳатлар бизда ҳам эътиборга олинишини хоҳлар эдим. Соҳага кириб келаётган ёш кадрларга айтмоқчи бўлганим, олий таълимда олган билимларини амалиётга татбиқ қилиб, доимо изланишда бўлишсин. Ҳеч қачон танлаган касбидан афсусланмасин. Чунки қурувчилик касби жуда қизиқарли, буни менга ўхшаб вақти келганида тушуниб етишади...

Ҳикоя қилганимиз бир қурувчининг ҳаёт йўли. У киши каби шу соҳани танлаб, бугун озми-кўпми ютуққа эришган тажрибали қурувчилар юртимизда жуда кўп. Уларнинг ҳар бирини ёзишга арзигулик ҳикояси бор.

Матонати, маҳорати ва жасорати билан юртимиз бунёдкорлигига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган қаҳрамонимиз сингари барча қурувчиларга касб байрами муборак бўлсин!

# Яна бир маҳалла идораси фойдаланишга топширилди

**Президентимизнинг “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби пойтахтимиз туманларида ҳам маҳалла фуқаролар йиғинларида замонавий маҳалла марказлари қурилмоқда. Жумладан, Миробод туманида ана шундай янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилиши аҳоли учун Истиқлол байрами олдидан муносиб туҳфа бўлди.**

Мирободтуманида жорий йилнинг ўзида 13 та маҳалла фуқаролар йиғинларида янги марказлар қурилиши бошлаб юборилган бўлиб, уларнинг бир нечтаси шу кунларда фойдаланишга топширилиш арафасида. Ҳудудда жойлашган “Оқ уй” МФЙ 1956 йилда ташкил топган. Маҳалла институтини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида мазкур объект янгидан қурилиб, аҳоли учун фойдаланишга топширилди.

– Мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларига ҳамоҳанг тарзда мана шундай замонавий Маҳалла гузарининг фойдаланишга топширилиши маҳалла аҳлини хушнуд этди, – деди “Оқ уй” МФЙ раиси Акмал Юсупов. – Бу ерда маҳалла раиси, Ёшлар етакчиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли учун алоҳида хоналар ажратилган. Фуқаролар билан йиғилишлар ўтказишимиз учун эса махсус зал бор. Идора атрофида кўркам боғ барпо этилиб, обод масканга айлантирилгани кўнглимизни тоғдек кўтарди. Бундай ажойиб маскан биз маҳалла масъулларига сидқидилдан меҳнат қилишга руҳ бағишлаб туради.

Мана шундай кўркам бинонинг қурилиши туфайли эндиликда маҳалла ёшлари ўзларининг муаммолари, таклиф ва ташаббуслари билан Ёшлар етакчисига, аҳолининг бошқа қатлами эса бевосита раисга ёки хотин-қизлар фаолига ўз масалалари юзасидан идорага келиб, мурожаат қилишлари мумкин. 8 та шинамгина хонадан иборат ушбу бино замонавий тарзда жиҳозланди.

Бу каби улкан бунёдкорлик ишлари республикамизнинг кўплаб маҳаллаларида давом этиб, янги замонавий маҳалла идоралари ва яна бошқа ижтимоий соҳа объектларининг айнан мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллик тўйи олдидан фойдаланишга топширилиши халқимиз учун муносиб туҳфа бўлмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№58-59 (611-612) 2022 йил 13 август



# ЙЎЛЛАР ОБОД – ДИЛЛАР ОБОД

**Лобар ОЧИЛОВА,**
"Йўл-лойиҳа бюроси" МЧЖ
матбуот котиби.

**Мамлакатимизда сўнгги йилларда йўлсозлик соҳасини ривожлантириш, йўлларни халқаро талаблар даражасида бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий йўл, йўл ўтказгич, кўприк, пиёдалар учун ер ости ва ер усти йўллари ва йўлаклари барпо этилаётгани аҳолининг узоғини яқин қилиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга муҳим аҳамият касб этаяпти.**

Август ойининг иккинчи якшанбаси – Қурилиш соҳаси ходимлари куни. Бу санани мамлакатимиз йўлсозлари ҳам ҳар йили касб байрами сифатида кенг нишонлайди. Шу муносабат билан соҳада амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ўзига хос сарҳисоб қилиниб, қўлга киритилаётган ютуқлар қайд этилади. Келгусидаги долзарб вазифалар белгилаб олиниб, тармоқда фаолият юритаётган мутахассислар рағбатлантирилади.

Янги йўлларни қуриш, мавжудларини таъмирлашга оид лойиҳаларни тайёрлаш, йўл қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, соҳага инвесторларни кенг жалб қилиш бунда муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 январдаги фармонига биноан тасдиқланган ва жадаллик билан амалга оширилаётган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам мамлакатимизда йўл инфратузилмасини янада такомиллаштириш ва йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун барча иштирокчиларга муносиб шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Гап йўл ҳақида кетар экан, бир муҳим ўзгаришни алоҳида таъкидлаш ўринли: шаҳар-қишлоқларимиздаги аввалги йўллар билан бугунгисини асло таққослаб бўлмайди. Бир пайтлар қишда лой, ёзда чангдан "боши" чиқмаган кўчалар бугун ойнадек товланиб, йўловчилар узоғини яқин қиляпти. Йўллар янгидан-янги манзилларга туташмоқда, кенгайтирилиб, реконструкция қилинмоқда. Йўлсозларимизнинг бундай ютуқлари замирида эса йўл лойиҳалари яратувчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Аҳамиятли томони, айни пайтда "Йўл-лойиҳа бюроси" масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан юртимизнинг барча ҳудудларида инновацион йўл лойиҳалари асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Бу борада улкан ўзгаришлар оғушидаги пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари айниқса, эътиборга молик. Жумладан, бош кентимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Дўрмон йўли ва Мўминова кўчаларини қайта қуриш ва ободонлаштириш объектининг ишчи лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 октябрдаги қарори асосида ишлаб чиқилган.

Лойиҳалашдан мақсад мазкур кўчани пойтахтимизнинг замонавий қиёфасига мослаштириш, ободонлаштириш, йўл ҳаракатининг барча иштирокчилари учун қулайлик яратишдир. Бундай имкониятларни яратиш осон кечмаслиги аён, албатта. Зеро, айрим фуқаролар рухсатсиз равишда ерларни ва йўлакларни ўзлаштириб олганлиги оқибатида кўчалар анча торайиб қолган. Нафақат автомобиллар, балки пиёдаларнинг юриши қийинлашиб, бир-бирига халақит бериши ва тирбандликлар юзага келиши, автоҳалокатлар содир бўлиши билан боғлиқ ҳодисалар кўпайган эди. Пиёдалар ўтиш йўлаги эса умуман бўлмаган.

Шу сабабли, йўлсозлик соҳасидаги бош лойиҳалаш ташкилоти – "Йўл-лойиҳа бюроси" МЧЖнинг лойиҳа бўлими бошлиғи Шоҳруҳ Оқилов раҳбарлигида ушбу объектнинг мураккаб лойиҳавий ечими ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилди. Янги барпо этилган велосипед йўлакчаси замонавий стандартларга мос равишда чиройли брусчаткалар билан қопланиб, замонавий ёритиш тизими билан жиҳозланди. Кўкаламзорлаштириш ва манзарали дарахтлар экиш, шинам автотураргоҳларини барпо этиш ишлари ҳам лойиҳачилар назаридан четда қолмади.

Бундан ташқари, Юнусобод туманидаги "Собиробод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Уч қаҳрамон кўчасидан Рихсили кўчасигача, Рихсили кўчасидан Исломобод кўчасигача тўла таъмирлаш ишлари ҳам лойиҳачилар томонидан қисқи муддатда ва сифатли амалга оширилди. Ушбу торайиб қолган кўчадан қатновчи автоуловлар ҳам бир-бирига халақит берар эди. Бу йўллар ҳам ёмғиру қорда ўйилиб, чуқурлар кўпайган. Пиёдаларнинг юриши учун йўлак йўқ эди.

Бу кўчада ҳам йўлсозлар реконструкция ва таъмирлаш ишларини тасдиқланган лойиҳа асосида муваффақиятли равишда олиб боришди. Бугун бу кўчадан юрган йўловчию пиёданинг баҳри-дили очилади. Асфальтбетон қопламали олтита қатнов тасмасидан иборат кўча сезиларли даражада кенгайган ва замонавий қиёфа касб этган. Бу кўчада ҳам велосипед йўлакчасига жой ажратилиб, замонавий стандартларга мос чиройли брусчаткалар тўшалди. Замонавий ёритиш тизими тунларни кундузгидек нурафшон қилиб турибди. Йўллар равон, кенг ва ёруғ.

Йўлсозларимизнинг бунёдкорлик ишларида уларга камарбаста бўлаётган лойиҳачиларимизнинг бундай эзгу ишларига яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Буларнинг барчаси инсон қадри тобора юксалаётган мамлакатимизда йўлсозлик соҳасини ривожлантириш, йўл-қурилиш технологияларини модернизация қилиш, автомобиль йўлларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда замонавий, қулай, хавфсиз, равон ва иқлим ўзгаришларига бардошли йўлларнинг барпо этилишига, халқимиз фаровонлигининг янада юксалишга хизмат қилмоқда.

Зеро, обод йўлларда юрган кишиларнинг дили ҳам мудом обод бўлиши шубҳасиз.

# Мактабгача таълим ташкилотлари янгиланяпти

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Наманган вилоятида мактабгача таълим соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳар ва туманларда янги бинолар қад кўтаряпти. Бир қатор МТТлар эса мукаммал таъмирдан чиқарилмоқда.**

Газетамизнинг аввалги сонида Мингбулоқ туманининг Уюрчи Дамкўл маҳалласи ҳудудида жойлашган 57-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилгани ҳақида хабар бергандик. Мазкур тарбия маскани маҳаллий бюджет ҳисобидан қайта қурилди ва уни бунёд этишга 3 миллиард 650 миллион сўм маблағ сарфланди. Натижада 50 ўринли эски, мослашган боғча ўрнида замонавий, 90 ўринга мўлжалланган янги бино қад ростлади. Энг муҳими, ҳудуддаги 3-7 ёшли болалар қамрови 100 фоизга етказилди.

Уйчи туманидаги "Ўнҳаят" МФЙда жойлашган 4-мактабгача таълим ташкилотининг 140 ўринли биноси ҳам мукаммал қайта таъмирланмоқда. Туман қурилиш бўлими бошлиғи Музаффар Ниязовнинг айтишича, объектда иш қизғин кетмоқда. "Сифат кафолат стандарт сервис" МЧЖ томонидан таъмирлаш ишлари олиб борилаётган муассасада замонавий шароитлар яратилади. Ҳозирда иссиқлик таъминоти, электр, сув тармоқлари тўлиқ янгиланди. Ички таъмирлаш, сантехника, кафеллаш жадал кетяпти. Бинонинг олди томони базальт билан қопланиши ичкарида қишин-ёзин мўътадил ҳароратни таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, қўшимча қозонхона қурилиб, бассейн, сув ҳовузи, тўртта ўйин майдони, озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган омбор таъмирланмоқда.

# ИСЛОҲОТЛАРДА САМАРҚАНДНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

**Сайфиддин НАРЗИҚУЛОВ,**
Самарқанд вилояти қурилиш
бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят
бош архитектори.



**Ўтаётган ҳар лаҳза, ҳар он ҳаётимизда ўчмас из қолдирмоқда. Шиддатли давр дақиқаларидан унумли фойдаланилган жойларда кишилар, жамоалар мангуликка татийдиган юксак ютуқларга эришяпти, келажакка тамал тошини қўяпти. Самарқандлик бунёдкорларнинг бу борадаги муваффақиятлари билан ҳар қанча фахрланиш мумкин.**

Улар академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг:
*Шуҳрат қолдирмоққа Геростратдек,*
*Ғалаба маъбудин ёқмоқ шарт эмас.*
*Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб,*
*Шу улуғ бинога бир ғишт қўйсак бас.*
деган мисраларини қалбга тугиб буюк ўзгаришларни амалга оширишмоқда.

Ўз фикрларимни бундай гаплар билан бошлаганимнинг боиси бор, албатта. Чунки қурувчию меъморлар, лойиҳачи ва муҳандисларимиз айни пайтда фидокорлик кўрсатиб, тарихда муҳрланиб қоладиган улкан юмушларни бажаришяпти, десам муболаға бўлмас. Ахир, минглаб юртдошларимиз кўз ўнгида қисқа фурсатда оламшумул мўъжизалар яратилаётганини ҳеч ким инкор этмаса керак.

Бугун кўҳна кентда ҳар қачонгидан кўра баландроқ меҳнат симфонияси янграб, одамларнинг яратувчиликка бўлган иштиёқи янада авж олган. Президентимизнинг таклифлари, саъй-ҳаракати туфайли рўёбга чиқаётган бу хайрли ишлар замирида эса кишиларга муносиб турмуш шароитини яратиш, келажак авлодларга обод Ватан қолдириш, Ўзбекистонимизга ташриф буюрадиган меҳмонлар қалбида унга нисбатан ҳавас уйғотиш каби эзгу фазилатлар ётганига шубҳа йўқ.

Бир мисол. Самарқанднинг ҳаво дарвозаси бўлган аэропорт ҳудудида амалга оширилган бунёдкорлик юмушларига назар ташласак, қисқа фурсатда янги, замонавий, кўркам бинонинг қад ростлагани ҳар қандай кишини лол қолдириши, шубҳасиз. Хорижнинг энг чиройли, аэропортларидан андоза олиниб, барча ютуқларни мужассамлаштирган муҳташам кошона бунёд этилди. Бундай ажойиб архитектура мажмуасини кўриб, ҳар қандай киши қувонади, улуғ олим ва мунажжим бобокалонимиз Мирзо Улуғбекнинг "Зижи Жадиди Кўрагоний" асарининг маъжозий кўринишини ифодалайдиган ҳаво бандаргоҳи меъморчиликнинг сўнгги ютуқлари ва миллий анъаналар асосида барпо этилганини илғаш мумкин. Терминалнинг замонавий








радиолокация тизими, 24 та самолёт ва 700 та автомашинани сиғдирадиган ангар ҳамда автотураргоҳ, иккита телескопик трап, маҳаллий ва халқаро авиалинияларга чиқиш, учиб келиш йўлаклари, йўловчилар дам оладиган, тамадди ва савдо-сотиқ қиладиган жойлар, амалий учрашувлар, тадбирлар ўтказиладиган офислар талаб даражасидан келиб чиқиб барпо этилган ҳамда жиҳозланган.

Эндиликда бу ерда ҳафтасига 120 тагача мунтазам рейсларни амалга ошириш, соатига 350 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд бўлиб, барча фаолият "очиқ осмон" тизими асосида олиб борилади. Унга мувофиқ, мамлакатга келадиган меҳмонлар, сайёҳлар оқими кўпайиши ҳамда минтақавий авиацион хаб сифатидаги салоҳияти ошиши эътиборга олиниб, халқаро аэропорт, деган мақом берилди. Келажакда мамлакатимизда туризмни, давлатлар ўртасидаги халқаро жўнатмаларни амалга оширадиган карго хизматини янада ривожлантириш ҳам назарда тутилган. Қўналға атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва яшилликка буркашга оид ишлар маҳоратли дизайнерлар томонидан лойиҳалаштирилиб, ландшафт меъморчилигининг барча кўринишларини мужассамлаштирган. Бунда шаҳардан ҳаво бекатига элтувчи йўллар тубдан қайта таъмирланганини таъкидлаш ўринлидир.

Дарвоқе, йўллар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Зеро, юртнинг кўркам манзара касб этиши, чиройига чирой қўшилиши кўчалар ва хиёбонлар билан чамбарчас боғлиқ. Самарқандликлар шуни назарда тутиб, бу масалада жиддий иш олиб боришяпти. Аэропорт, темирйўл вокзали, янги қад ростлаётган массивлар билан бир қаторда шаҳарнинг эски қисмидаги тор, қисқа ўтмишни эслатувчи йўлларни тартибга келтириш бу ердаги энг муҳим муаммолардан ҳисобланади.

Ҳозирда мазкур йўналишда ҳам арзигулик ишлар амалга оширилаётганини айтиш жоиз. Аэропортга борадиган йўлга улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳайкали олдидан бошланадиган кўчанинг икки томонини тўрт тасмали қатновга айлантириш мақсадида кўпгина ишлар қилинди. Бунинг учун одамлар яшайдиган қатор уй-жойлар, савдо, маиший хизмат уйларини "снос" қилишга тўғри келди. 30-40 метр чуқурликдан ўтувчи чашма ариғи устига ўтказгич қуриб, уни йўл бараварида кўмиш, очиқликдаги қабристон атрофини ўраш, йўлларнинг икки томонига лотоклар ётқизиш, пиёдалар ва велойўлаклар барпо этиш, яшил зоналар ташкил этиб, дов-дарахтлар, гуллар экиш ўз-ўзидан бўлмади. Рудакий кўчаси кесишмасида йўл ўтказгич ва туннель бунёд қилиш, халқаро темир йўл остини кенгайтиришни айтмайсизми?! Ҳукумат, республика ташкилот ва идораларининг амалий ёрдами туфайли етти километрлик масофада шунча ишлар бажарилгани катта воқеа бўлди.

Айни пайтда ушбу кўча, шунингдек, тўлиқ қайта таъмирланган Уста Умар Жўрақулов, Зарафшон, Садриддин Айний, Ўзбекистон, Охунбобоев, Бўстонсарой, Рудакий каби ўндан зиёд йўллар қиёфаси тубдан ўзгарди. Шу мақсадда Самарқандда янгилик сифатида Рудакий ва Бўстонсарой кўчалари кесишмасида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг "Кўприк қурилиш трести" УК томонидан илк туннель ва йўл ўтказгич қурилиб, фойдаланишга топширилди.

2022 йилда ҳудуддаги 143 та объектнинг қурилиш-таъмирлаш жараёнлари учун 1,2 триллион сўм маблағ ажратилгани ҳам бу фикрнинг исботидир. Унга мувофиқ 26 километр умумфойдаланувдаги йўл таъмирланади, янги кўприк, йўл ўтказгичлар бунёд этилади. Маҳалла ва қишлоқлардаги бу ишларга 186,9 млрд сўм йўналтирилиб, 322,7 километр ички йўллар таъмирланади. Биргина Қорадарё дарёсининг устидан ўтувчи кўприк реконструкциясига 146,9 миллион сўм ажратилади.

Шунингдек, Самарқанд туризм марказининг жадал суръатда олиб борилаётган қурилиши тўғрисида сўзлаш айни муддаодир. Ушбу мажмуа Самарқанд туманидаги эшкак эшиш канали бўйида, 212 гектар майдонда қад ростламоқда. Лойиҳага кўра, бу ерда кўплаб иншоотлар, конгресс холл, меҳмонхоналар, дам олиш масканлари жойлашади. Айни пайтда конгресс холл, "Абадий шаҳар" карвонсаройи, 8 та меҳмонхона кўкка бўй чўзяпти. Уларнинг иккитаси 22 қаватдан иборат бўлиб, "беш юлдузли" мақомини олади. Бир-биридан улуғвор объектлар миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини уйғунлаштирган нодир намуна экани ҳозирдан эътироф этилаётир. Қолаверса, ҳудуд бекиёс чирой очаётганининг асосий омили табиат уйғунлигида ландшафт архитектурасининг ноёб кўринишларини ўзида мужассамлаштирганидадир.

Мукаммал меъморий ечимга эга дендропарк, аквапарк, тамаддихоналар, спорт майдончалари, савдо комплекслари ҳам марказнинг салобати ва юксаклигини ифода этади, албатта. Муҳими, янги мажмуанинг яратилиши баҳонасида унга туташ ҳудудларга ҳам "узукка қўйилган қош" каби ўзгартиришлар киритилмоқда. Дарвоқе, ушбу марказ келгусида Самарқанднинг туристик хабига айланиши кўзда тутилган. Шу боисдан барча тадбирлар сайёҳларга кўрсатиладиган хизматлар сифати ва мавқеи даражасига тенглаштирилиб, амалга оширилмоқда.

Яна эътироф қилиш лозим бўлган масала айнан, туризм соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ. Айтиш жоизки, кўҳна кент ўз бағрида жуда кўплаб қадимий осори-атиқалар, тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалувчи бебаҳо обидаларни сақлаб келаётгани ҳам бу соҳада кенг кўламли вазифаларни бажаришни тақозо этади. Энг аввало, сайёҳлик оқимини янада кўпайтириш учун уларга муносиб шароитлар яратиш, хизматлар турини кўпайтириш борасида дадил қадамлар ташланмоқда. Президентимиз таклифи билан шаҳарда туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича махсус лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётгани айни муддаодир. Шу мақсадда Самарқандда илк бор гастрономик кўча, "Конигил" маҳалла фуқаролар йиғинида юртимиздаги биринчи туризм қишлоғи фаолиятини бошлади. Шунингдек, Боғибаландда анжирзорга бой туристик маҳалла, Пайариқ туманидаги Чоштепа, Ургут туманидаги Терсак қишлоқларида туризм қишлоқларини очишга киришилган.

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий ва Ислом Каримов кўчалари ҳам тўла сайёҳлар манзилига айлантирилади. Маданий меросимиз билан боғлиқ барча қадамжолар, ноёб ёдгорликлар талабдан келиб чиққан ҳолда таъмирланиб, уларда ҳам сайёҳларга қулайликлар яратиляпти. Ўтган йили шаҳарда "Туризм бекатлари" лойиҳаси ишлаб чиқилганди. Меҳмонлар ва зиёратчилар бу орқали белгиланган манзилларга юқори сифатли сервис хизматлари кўрсатилган ҳолда етиб бориши таъминланмоқда. Туристик бекатдан ҳар қандай сайёҳ ёки фуқаро нафақат Самарқанд, балки республикамиз бўйича барча маълумотга эга бўлиши, буюртма бериши, хизматлардан тўлиқ баҳра олиш имкониятига эга.

Сайёҳлар оқимини ривожлантиришда замонавий меҳмонхоналар ўрни беқиёслигини назарда тутиб, бу йўналишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Масалан, 2021 йилнинг биринчи ярми ҳолатида 412 та жойлаштириш воситаси фаолият кўрсатган бўлса, шу йилнинг ўзида яна 100 дан зиёд шундай иншоотлар ишга туширилиши режалаштирилган. Жумладан, шаҳардаги энг йирик "Регистон палас", "Афросиёб", "Зарафшон" меҳмонхоналари капитал таъмирдан чиқарилади. "Pubstreet" лойиҳасининг ҳалол стандартига мос янги 70 га яқин меҳмонхона, 200 тадан зиёд меҳмон уйлари, хостеллар фойдаланишга топширилади.

Вилоятдаги янгиликлар тўғрисида сўз юритганда буюк муҳаддис ва ҳадис илми султони аллома Имом Исмоил ал-Бухорий мажмуасида олиб борилаётган ишларни айтмасликнинг иложи йўқ. Чунки Самарқанднинг туризм салоҳиятини, зиёрат туризмини ривожлантиришда мазкур муқаддас қадамжонинг ўрни беқиёсдир. Бинобарин, зиёратгоҳ ва унинг атрофида амалга ошириладиган қурилиш-бунёдкорлик юмушлари давлатимиз раҳбари назорати остида тургани ҳам унинг қадри нақадар баландлигидан далолат беради. Айни пайтда лойиҳа доирасида бу ерда катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. Имом Бухорий мақбарасининг кўриниши сақланган ҳолда реконструкция бошлаб юборилган. Режага мувофиқ мақбара атрофи кенгайтирилиб, зиёратчилар учун ҳар томонлама қулайликлар яратилмоқда. Саккиз минг ўринли муҳташам масжид тикланяпти, унинг атрофида тўртта улкан минора қад ростлаяпти, халқимизга хос турмуш тарзидан келиб чиқиб, ҳозирги айвонларга қўшимча ички ва ташқи айвонлар қуриляпти. Маҳаллий ва хорижий зиёратчилар учун замонавий меҳмонхоналар, халқаро андозаларга тўла мос келадиган маиший хизмат ва санитария-гигиена шохобчалари бунёд этиляпти. Самарқанд шаҳридан мажмуага олиб борувчи қарийб 20 километр йўл ва унинг атрофи замонавий архитектура талаблари асосида қайта таъмирланаётгани ибратга сазовор. Қолаверса, бу йил Самарқанддаги имом Мотрудий ва Тайлоқ туманидаги имом Дорамий зиёратгоҳларини ҳам обод қилиш, бу масканларда сайёҳлар учун зарур шарт-шароитларни яратиш чоралари кўринаётгани айни муддао.

Бугунги кунда вилоятда мураккаб ечимга асосланган муҳандислик иншоотлари қуришга киришилгани эътиборга сазовор. Ўтган йилларда шаҳарда трамвай хизмати йўлга қўйилгани кўпчиликка манзур тушган бўлса, эндиликда осмонўпар уй-жойлар, ярусли йўллар, кўприклар, ўтказгичлар бунёд этишга эҳтиёж ошиб бораётир. Йўл тирбандлиги муаммоси, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги ноқулайликлар сабаб яқин орада 6 та замонавий кўприк, йўл ўтказгичлар тиклаш режалаштирилди. Аҳоли учун кўп қаватли иморатлар қуриш, ичимлик суви ва оқава сув таъминотини модернизация қилиш, канализация тизимини янгилаш, марказлашган иссиқлик бериш соҳасини яхшилаш, йўлларни сифатли таъмирлашга жиддий аҳамият қаратилган.

Туманларни ривожлантириш, обод ва кўркам бинолар бунёд этиш ҳам изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, "Янги Ўзбекистон" массивлари қуриш мақсадида вилоятнинг икки ҳудуди – Ургут туманининг Мерганча маҳалласида 39,2 гектар ва Булунғур туманининг Ғўбдин маҳалласида 23,9 гектар майдон ажратилиб, ишлар бошлаб юборилган. Айтиш жоизки, уларда 50 тадан кам бўлмаган кўп квартирали уй-жойлар, ижтимоий соҳа, бозор ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қад ростлаб, дам олиш ва кўнгилочар майдонлар яратиш кўзда тутилган.

Хуллас, қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандда бугун бунёдкорлик ишлари авж олган. Бошқача айтганда, вилоят бўйлаб меҳнат симфонияси янграмоқда, ўзгариш, янгиланиш, яратиш сари дадил қадам ташланмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ислоҳотлар маҳсули, тинчлик, осойишталикдандир. Ана шу бунёдкорлик ишларида камарбаста бўлган қурувчилар, меъморлар, лойиҳачилар ўрни катта. Фурсатдан фойдаланиб ўз касб байрамини нишонлаш арафасида турган қурилиш соҳаси вакилларини ушбу қутлуғ кун билан муборакбод этамиз.


O'zGASHKLITI
ҚУРИЛИШДА МУҲАНДИСЛИК ҚИДИРУВЛАРИ,
ГЕОАХБОРОТ ВА ШАҲАРСОЗЛИК КАДАСТРИ
ЛОЙИҲА ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ
ДАВЛАТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ
Юртимиз қурилиш соҳасига ўзининг мукаммал лойиҳалари билан катта ҳисса қўшиб келаётган лойиҳачиларни, бир-биридан гўзал бинолар қуришда жаҳонни лол қолдираётган бунёдкорлар ва барча соҳа ходимларини касб байрами билан табриклаймиз.
Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли бугун ватанимиз ўзгача чирой очмоқда. Ижодий ишларингиз, машаққатли ва шарафли фаолиятингизга сўнмас ғайрат тилаймиз!


НАВОИЙ ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида
худудий назорат
инспекцияси жамоаси
Мамлакатимиз қурилиш соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшаётган, янги лойиҳалари билан шаҳарлар кўркини гўзаллаштираётган лойиҳачилар, бунёдкорлик жараёнларида иштирок этаётган қурувчилар, шу соҳага тааллуқли идораларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларни касб байрамлари билан табриклайди.
Барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли меҳнатларингизга куч-қувват тилайди.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№58-59 (611-612) 2022 йил 13 август










Юртимиз ободлиги йўлида
ўзларининг муносиб
ҳиссаларини қўшаётган барча
қурувчи ва меъморларни,
қурилиш маҳсулотлари ишлаб
чиқарувчиларни
Ўзбекистон Республикаси
қурилиш соҳаси
ходимлари куни
билан самимий
муборакбод этамиз.
Юртимиз равнақи йўлидаги
эзгу ва шарафли
меҳнатларида куч-қувват,
улкан зафарлар тилаймиз!
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида ҳудудий
назорат инспекцияси жамоаси


Қурилиш соҳасининг
қадрли вакилларини
касб байрами билан
қутлаймиз.
Халқимиз учун
мустаҳкам ва шинам
турар жойлар, таълим,
тиббиёт ва бошқа
объектларни бунёд этиш
йўлидаги шарафли
фаолиятингизда
куч-қувват тилаймиз!
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида ҳудудий
назорат инспекцияси жамоаси

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№58-59 (611-612) 2022 йил 13 август










СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида
ҳудудий назорат
инспекцияси жамоаси
Шарафли касб эгалари бўлган – иқтидорли меъморлар, қурилиш соҳаси вакиллари, йўл қурувчиларини касб байрами билан қутлайди. Ишингизга муваффақият, оилангизга хотиржамлик, ўзингизга саломатлик тилайди.


Улкан бунёдкорлик йўлида жавлон уриб ишлаётган қадрли ҳамкасблар!
Ҳаммангизни касб байрами билан табриклаймиз.
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида
ҳудудий назорат
инспекцияси жамоаси

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№58-59 (611-612) 2022 йил 13 август









# “Universal Auktsion Invest” МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 13 сентябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 271-уйда жойлашган хусусий нотариал идоранинг 2022 йил 31 июль ва 1 августдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) “Artfam-Invest” МЧЖ томонидан қўйилмоқда:**

1. 202202193004513-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 773 060 сўм.
2. 202202193004492-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 323 892,8 сўм.
3. 202202193004493-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 637 806,32 сўм.
4. 202202193004496-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 961 418,96 сўм.
5. 202202193004495-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 078 056,8 сўм.
6. 202202193004494-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 7 965 287,2 сўм.
7. 202202193004476-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 623 337,6 сўм.
8. 202202193004500-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 719 451,2 сўм.
9. 202202193004499-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 583 972,88 сўм.
10. 202202193004498-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 12 157 514,4 сўм.
11. 202202193004497-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 249 031,6 сўм.
12. 202202193004504-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 126 113,6 сўм.
13. 202202193004503-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 554 028,4 сўм.
14. 202202193004502-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 287 668,16 сўм.
15. 202202193004501-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 575 280,8 сўм.
16. 202202193004508-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 152 918 сўм.
17. 202202193004507-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 120 561,6 сўм.
18. 202202193004506-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 826 668,8 сўм.
19. 202202193004505-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 227 779,2 сўм.
20. 202202193004511-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 676 946,4 сўм.
21. 202202193004510-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 377 501,6 сўм.
22. 202202193004509-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 643 861,84 сўм.
23. 202202193004477-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 569 728,8 сўм.
24. 202202193004490-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 922 782,4 сўм.
25. 202202193004489-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 491 727,52 сўм.
26. 202202193004514-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 527 224 сўм.
27. 202202193004512-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 302 640,4 сўм.
28. 202202193004491-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 647 001,92 сўм.
29. 202202193004488-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 024 448 сўм.
30. 202202193004515-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 509 111,68 сўм.
31. 202202193004483-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 126 113,6 сўм.
32. 202202193004485-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 847 921,2 сўм.
33. 202202193004486-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 970 839,2 сўм.
34. 202202193004487-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 407 737,34 сўм.
35. 202202193004482-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 527 224 сўм.
36. 202202193004481-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 821 116,8 сўм.
37. 202202193004479-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 9 387 650 сўм.
38. 202202193004480-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 25 482 808 сўм.
39. 202202193004446-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 14 702 795,2 сўм.
40. 202202193004474-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 479 167,2 сўм.
41. 202202193004467-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 826 668,8 сўм.
42. 202202193004475-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 473 615,2 сўм.
43. 202202193004468-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 147 366 сўм.
44. 202202193004470-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 799 864,4 сўм.
45. 202202193004471-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 527 224 сўм.
46. 202202193004472-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 696 992,84 сўм.
47. 202202193004473-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 7 965 287,2 сўм.
48. 202202193004466-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 650 142 сўм.
49. 202202193004463-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 473 615,2 сўм.
50. 202202193004464-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 891 195,06 сўм.
51. 202202193004465-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 13 205 571,2 сўм.
52. 202202193004447-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 11 558 624,8 сўм.
53. 202202193004448-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 297 088,4 сўм.
54. 202202193004449-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 275 836 сўм.
55. 202202193004450-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 901 530 сўм.
56. 202202193004451-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 588 755,82 сўм.
57. 202202193004452-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 11 633 486 сўм.
58. 202202193004453-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 275 836 сўм.
59. 202202193004454-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 623 337,6 сўм.
60. 202202193004456-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 377 501,6 сўм.
61. 202202193004457-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 024 448 сўм.
62. 202202193004458-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 676 946,4 сўм.
63. 202202193004459-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 874 725,6 сўм.
64. 202202193004461-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 222 227,2 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан “Artfam-Invest” МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 9-уй.

Юқоридаги мулклар 2022 йил 13 сентябрь куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба ва пайшанба кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисида”ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Universal Auktsion Invest” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТБ “Турон банк” Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Аукцион савдода қатнашиш истагидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.
**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

# “Universal Auktsion Invest” МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

2022 йил 16 сентябрь куни соат 11.30 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Шокирариқ кўчаси, 100-хонадонда жойлашган хусусий нотариал идоранинг 2022 йил 9 августдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билак узук, зирак ва бошқалар) **“Lombard Gold Finance Business” МЧЖ** томонидан қўйилмоқда:

1. 202201957007448-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 560 250 сўм.
2. 202201957007447-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 037 375 сўм.
3. 202201957007446-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 666 100 сўм.
4. 202201957007445-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 544 500 сўм.
5. 202201957007444-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 787 500 сўм.
6. 202201957007443-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 135 950 сўм.
7. 202201957007442-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 196 550 сўм.
8. 202201957007441-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 635 800 сўм.
9. 202201957007440-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 636 000 сўм.
10. 202201957007439-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 999 500 сўм.
11. 202201957007438-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 499 250 сўм.
12. 202201957007437-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 120 600 сўм.
13. 202201957007436-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 787 500 сўм.
14. 202201957007422-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 726 400 сўм.
15. 202201957007435-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 741 550 сўм.
16. 202201957007434-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 908 500 сўм.
17. 202201957007432-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 711 750 сўм.
18. 202201957007431-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 484 000 сўм.
19. 202201957007430-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 756 900 сўм.
20. 202201957007429-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 029 900 сўм.
21. 202201957007428-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 135 950 сўм.
22. 202201957007427-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 719 125 сўм.
23. 202201957007426-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 461 675 сўм.
24. 202201957007425-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 696 500 сўм.
25. 202201957007424-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 863 250 сўм.
26. 202201957007423-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 120 800 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан “Lombard Gold Finance Business” МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Истироҳат боғи кўчаси.

Юқоридаги мулклар 2022 йил 16 сентябрь куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари соат 11.30 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисида”ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Universal Auktsion Invest” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 0049 3216 8025 “Турон банк” АТБ Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

Аукцион савдода қатнашиш истагидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.
**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

# “Mulk o‘lmas sarmoya” МЧЖ

## аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 13 сентябрь куни соат 10.00 дан жамият офисида аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:**

1. “Муборак иссиқлик электр маркази” АЖга қарашли, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 31562, кузов рақами рақамсиз, Т/В тури юк (бортли), давлат рақами 70 751 JAA бўлган, техник таъмирталаб ҳолатдаги “ГАЗ-5327 ГБА СНГ” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 18 079 094 сўм.
2. “Муборак иссиқлик электр маркази” АЖга қарашли, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 848955, кузов рақами Борти 400 ММ кўтарилган, давлат рақами 70 752 JAA бўлган, техник таъмирталаб ҳолатда “ЗИЛ-431610” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 13 772 507 сўм.

**Ариза қабул қилиш тартиби:** аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар газетада эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни, дам олиш (шанба ва якшанба) ва байрам кунларидан ташқари соат 10.00 дан 17.00 гача “Mulk o‘lmas sarmoya” МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, Бунёдкорлик кўчаси)да қабул қилинади (тушлик 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилиш 2022 йил 12 сентябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Ушбу кундаги савдоларда сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2022 йил 19 ва 26 сентябрь кунлари соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

**Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар:** “Mulk o‘lmas sarmoya” МЧЖ, ҳисоб рақами: 2020 8000 8045 9352 0001 АТИБ “Ипотека-банк” Қарши шаҳри филиали МФО 00190 СТИР 300 201 778 ОКОНХ 83300.

**Манзил:** Қарши шаҳри, Бунёдкорлик кўчаси.
**Мўлжал:** “Ucell” компанияси биноси рўпарасида жойлашган.
**Телефон:** 99-505-50-40.

*0000195 рақамли гувоҳнома.*

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## Август ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бош инспектори **Тўлқин Ёриев,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК бош ҳисобчиси **Ҳабиба Абдуллаева,** бош мутахассис **Жамшид Раджабов,** етакчи мутахассис **Дилфуза Абдураҳмонова,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ходими етакчи инспектори **Камал Бекбаев,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Қорақалпоғистон Республикаси филиали ҳайдовчиси **Тимур Нажмутдинов,**

Андижон вилояти Қурилиш бош бошқармаси архитектори **Машрабжон Солиев,**

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори **Улуғбек Ахунбабаев,** Фориш тумани қурилиш бўлими мутахассиси **Машҳура Тошпўлатова,** Қурилиш бош бошқармаси Архитектура-режалаштириш бюроси мутахассиси **Зилола Абдурахимова,**

Навоий вилояти Қурилиш бош бошқармаси бош мутахассиси **Шохруз Ойдинов,** мутахассис-архитектор **Даврон Абдуллаев,** Қизилтепа тумани қурилиш бўлими мутахассис-архитектори **Бахтигул Холиқова,** Учқудуқ тумани қурилиш бўлими мутахассис-архитектори **Камола Қурбонова,** Ғазғон шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи **Муҳриддин Холиқулов,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Навоий вилояти филиали компьютер бўйича техник **Шуҳрат Неъматов.**

Сирдарё вилояти қурилиш бош бошқармаси мутахассиси **Бекзод Раббимқулов,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Сирдарё вилояти филиали бош мутахассиси **Ўктам Тошбоев** ва компьютер бўйича техник **Шуҳрат Неъматов,**

Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани қурилиш бўлими мутахассиси **Миршароф Тоиров,** Тайлоқ тумани қурилиш бўлим бошлиғи **Сардор Эралиев,**

Тошкент вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ходими **Рустам Бобоев**ларнинг таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№58-59 (611-612) 2022 йил 13 август

# БУНЁДКОРЛИК – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

**Акбар НИЁЗОВ,**
Навоий вилояти Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи.



**Давлатимиз иқтисодий ривожига улкан ҳисса қўшаётган қурилиш соҳаси сўнгги йилларда ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди. Буни шаҳар ва қишлоқларнинг кўркам қиёфасида, аҳолинининг фаровон турмуш тарзида кузатиш мумкин. Бошқа тармоқлар каби қурилиш соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тизимни янада такомиллаштириш учун давлатимиз раҳбарининг фармон ҳамда қарорлари қабул қилинаётгани тармоқда ислоҳотлар самарадорлигини оширишда асосий ўрин тутяпти, бунёдкорлик ишлари тобора кенгаймоқда.**

Соҳадаги ислоҳотлар туфайли Навоий вилоятининг энг олис ҳудудлари Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота туманлари ва Зарафшон, Ғазғон шаҳрининг меъморий қиёфаси янгиланди. Шунингдек, Навоий шаҳри ва унга қўшни Кармана, Навбаҳор, Қизилтепа, Хатирчи туманлари ҳудудларида янги Ўзбекистоннинг замонавий қиёфаси ижтимоий соҳа объектлари, турар жой бинолари, савдо нуқталари, маиший бинолар, дам олиш зоналари тимсолида кўзга ташланади. Соҳада эришилаётган барча ютуқлар ислоҳотлар самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган стратегиясига асосан 2025 йилга бориб Ўзбекистондаги шаҳарларнинг барчасини ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олиш белгиланди. Ҳужжатга таянган ҳолда, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослиги, миллий урф-одатлари ҳисобга олиниб, лойиҳалашда жамоатчилик, аҳолининг нуқтаи назари ўрганилди.

Бугунги кунда вилоятда 7 та шаҳар, 46 та шаҳар посёлкалар ва 307 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, 7 та шаҳарнинг барчаси 100 фоиз, 46 та шаҳарчаларнинг 13 таси 28 фоиз, 307 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг 139 таси 45 фоиз бош режалар билан таъминланишига эришилди. Уни ишлаб чиқишда лойиҳачилар томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳудудий ва ишлаб чиқариш салоҳиятлари ҳамда аҳолининг ўсиш суръатлари ўрганилиб, меъёрий талабларга мослаштириш белгилаб олинди.

Бундан ташқари, Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида йилдан йилга қишлоқ ва маҳалла аҳоли пунктлари тубдан янгиланиб бораётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Дастурлар доирасида олиб борилган ишлар натижасида ҳудудлар комплекс ривожланиб, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари барпо этилиб, аҳолининг турмуш маданияти юксалди. Чунончи, Президентимизнинг 2022 йил 18 мартдаги "2022 – 2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 172-сонли қарорига асосан 2022 йилда 22 та қишлоқлар ва маҳаллаларда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Бугунги кунда 55 та ижтимоий соҳа объектлари, шу жумладан, 19 та мактаб, 14 та мактабгача таълим муассасаси, 6 та тиббиёт, 15 та маҳалла объектларида ҳамда 5 382 та якка тартибдаги ва кўп қаватли уй-жойларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳудудларда, 59 километр ичимлик суви, 139,4 километр электр тармоқлари тортилди, 17,6 километр газ тармоқлари таъмирланди.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 22 январдаги "2022 – 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-98-сонли қарори аҳоли ҳаёт тарзини юксалтиришда яна бир омил бўлди. Вилоятда 2022 йилги дастурга 102 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари киритилган бўлиб, шундан 26 таси йилдан-йилга ўтувчи 76 таси янгидан бошланувчи объектлардир.

Ҳозирда объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, пудрат ташкилотлари аниқланган ва улар томонидан 65 фоиз қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлса, жорий йилнинг 1 сентябрига қадар таълим объектларини тўлиқ фойдаланишга топшириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ушбу жараёнлар, кенг жамоатчилик, кўплаб соҳа вакилларининг ҳамкорлигида яратилмоқда. Янгидан барпо этилаётган бинолар, ҳудудлар, маҳаллаларни ободонлаштириш кўкаламзорлаштириш, электр, газ, сув, алоқа тармоқлари билан таъминлаш мақсадида хизмат қилаётган мутахассислар меҳнати самараси, ютуғидир. Шунингдек, давлат-хусусий шериклик муносабатлари, қурилиш ташкилотлари ва аҳоли ҳамкорлиги каби янгича фаолият шакллари самарали қўлланилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Обод бўлаётган масканлар халқимизнинг фаровон ҳаётига замин бўлмоқда. Ана шундай эзгу амаллар соҳа мутахассисларидан янада масъулият ва фидокорлик талаб этади. Буни ҳис қилган жонкуярлар ўз салоҳиятини ишга солиб қурилиш майдонларида меҳнат қилаётгани қувонарли ҳолдир.

Вилоятда йил сайин аҳоли сонининг ўсиб бориши турар жойга бўлган эҳтиёжни оширади. 2022 йилда кўп қаватли уйлар қурилиши бўйича янгича ёндошув асосида массивлар қурилиши белгиланди. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-32-сонли фармонига асосан жорий йилда Кармана ва Қизилтепа туманларида "Янги Ўзбекистон" массивлари барпо этилиши белгиланди. Бу борада массивларда 620 та хонадонга мўлжалланган 26 та 5 қаватли уйлар ва барча зарур ижтимоий соҳа, инфратузилма объектлари қурилиши олиб бориляпти. Асосийси, қурилиш материаллари билан таъминлашда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотидан фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати жадал ривожланиб бораётгани ҳам соҳа тараққиётида муҳим роль ўйнамоқда. Биргина бинокорликда фойдаланилаётган сифатли қурилиш материалларининг 95 фоизи маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётгани буни яққол тасдиқлайди. Асосийси, ушбу ҳаракатлар қад кўтараётган иморатларнинг мустаҳкамлигини ва қиймати нисбатан арзонлигини таъминлашга, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида қурилиш соҳаси равнақи йўлида тиним билмай меҳнат қилаётган барча ҳамкасблар, меъмор ва қурувчи, соҳага дахлдор ҳар бир хизматчини касб байрами билан қутлаш – юксак шарафдир. Боиси, уларнинг машаққатли меҳнати халқимизнинг фаровон, тўкин ҳаёти, бахту саодати йўлида хизмат қилаётганининг ўзиёқ, ушбу касбнинг қиймати юксаклигини билдиради.

Байрамингиз муборак бўлсин, қадрли қурилиш соҳаси мутахассислари!

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ: ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ БУГУН ЎЗ МЕВАСИНИ БЕРМОҚДА

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

*Бугун Қорақалпоғистонда тадбиркорлар учун шундай шароитлар яратилиши керакки, Ўзбекистондаги ҳар бир тадбиркор Қорақалпоғистонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлаши керак. Ўзининг бошқа жойдаги даромадидан кўпроқ даромадни Қорақалпоғистонда топа оладиган имкониятлар бўлиши керак. Шундагина бу нафақат тадбиркорлик фаолиятининг балки, Қорақалпоғистон иқтисодиётининг ҳам ўсишига катта ёрдам беради.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

**Нукус Халқаро аэропорти. Мамлакатимизнинг шимолий ҳудуди Қорақалпоғистон Республикаси остонаси ана шу ердан бошланади. Бугунги кунда бу ерда янги ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилиб, иқтисодий самарадорлик ортмоқда, энг муҳими, янги иш ўринлари яратилмоқда.**

Даставвал, Нукус шаҳри инфратузилмаси ҳақида сўз юритмоқчимиз. Давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир чиқишида одамлар билан кўпроқ мулоқотда бўлиш, уларнинг орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яқиндан билиш муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлайди. Ушбу жиҳатлар Президентимиз ташаббуси билан ҳудудларда барпо этилаётган турар жойлар мисолида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Нукус шаҳрининг қоқ марказида янгитдан бунёд этилаётган Жеки терек массивида ишлар қизғин паллага кирган. Яқин келгусида ушбу жойда "Нукус Сити" қад ростлайди. Биринчи босқичда шаҳар ичидаги шаҳарда илк бор 5 та 16 қаватли турар жой бинолари барпо этилиши кўзда тутилган. Иккинчи босқичда эса уларнинг сони яна 5 тага ортади. Натижада кўплаб аҳоли янги хонадон эгасига айланади.

– Нукус шаҳрида янги турар жойлар кўпи билан 9 қаватдан иборат эди, – деди қурилиш корхонаси инженери Батирбай Седабуллаев. – Сўнгги йилларда Нукусда 16 қаватли аҳоли турар жойлари қурилиб битказилди. Ҳозирги вақтда 16 қаватли ҳар бир қаватида 5 хонадондан умумий 80 хонадондан иборат биринчи турар жойни топширдик. Бу хонадонда барча қулайлик ва шароитлар бор. Бинолар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда қурилмоқда. Асоси темир бетон, сирти эса базальт билан қопланмоқда. Базальтнинг яхши хусусияти ёзнинг иссиқ кунларида хонадон ичи салқин, қишнинг совуқ кунларида эса илиқ бўлади. Шу билан бирга техника хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ, ҳар бир қаватда 2-қаватдан 16-қаватгача темир панжаралар ўрнатилмоқда. Шу қаторда юртимизда ёш кадрларни иш билан таъминлаш бўйича Нукус университетини битириб келган қурувчи-муҳандислар олган билимларини амалиётда синамоқда. Биз эса уларга ўз тавсияларимизни бериб йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқдамиз. Ҳозирги вақтда биринчи уйимизда қурилиш ишлари тўлиқ якунланган бўлиб, ички таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Кейингилари эса қурилиш жараёнида.

Умуман олганда, сўнгги ўтган 4-5 йил ичида Нукус шаҳри инфратузилмаси янгича қиёфага кирмоқда. Бу ерда амалга оширилаётган қурилиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида аввало, бир мақсад – аҳоли учун муносиб шароит яратиш масаласи турибди.

Президентимизнинг саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ўрта ва йирик ишлаб чиқарувчилар олдига бир қатор муҳим вазифаларни қўйди. Бу борада банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар эвазига импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар турини кўпайтириш, хом ашёни маҳаллийлаштириш ишларини амалга оширишда қўл келмоқда. Буларнинг барчаси доимий иш ўринларининг сонини оширишда бирламчи восита бўлиб хизмат қилмоқда.



Нукус шаҳрининг жанубий саноат зонасида жойлашган "Бунёдкор мерос" МЧЖга ажратилган 1 млрд 632 млн сўмлик маблағ ҳақиқатан корхона фаолиятини янада жонланишига туртки бўлди. Ҳозирда бу ерда йилига 4 минг куб метр, яъни, 2,5-3 млрд сўмлик темир-бетон қувурлар, плита ва бошқа шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Муҳими, корхонада 50 та доимий иш ўрни яратилган.

Қўнғирот туманидаги "Устюрт-содиум сульфат" корхонаси 2017 йили иш бошлаган. Бу ерда санитария-гигиеник буюмлар, тўқимачилик, шиша ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиладиган натрий-сульфат хом ашёси ишлаб чиқарилади.

– Корхонамиз 2017 йили 3,5 тонна натрий сульфат ишлаб чиқарди, – деди корхона раҳбари Баҳодир Холназаров. – Махсус техникалар, экскаватор, самосваллар сотиб олинди. 2020 йили 13 млн тонна сульфат-натрий ишлаб чиқариб, маҳсулотимизни хорижга экспорт қилишга ҳам эришдик. Хусусан, 2020 йили Тожикистон Республикаси билан тузилган шартномага асосан 128 тонна маҳсулот етказиб бердик. Қозоғистон, Россия, Қирғизистон билан ана шундай ҳамкорлик шартномаларини тузганмиз. Келгусида биз натрий-сульфат билан бир қаторда калий-сульфат ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирганмиз.

Ҳозирда ҳудуднинг энг чекка эканини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотларни Қорақалпоғистоннинг ўзида маҳаллийлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, Нукус шаҳрида 1 млн 275 минг доллар эвазига иш бошлаган йирик лойиҳа бир томондан темир, ёғоч эшик, ромларни четдан ёки қўшни вилоятлардан олиб келинишига чек қўйган бўлса, иккинчи томондан қарийб 300 нафар маҳаллий ёшларга доимий иш ўрни яратиш имконини берди.

Маълумки, Ўзбекистоннинг шимолий бурчаги Қорақалпоғистон экологик жиҳатдан оғир ҳудуд ҳисобланади. Бу ерда тоза ичимлик суви ҳам долзарб масала. Ана шу масаланинг оз бўлса-да ечимини ҳал этиш мақсадида "Национал Хаус" МЧЖ раҳбари Мухтор Пирназаров хориждан замонавий технологик линия харид қилди. Ҳозирда корхонада доимий иш ўрнига эга бўлган 5 нафар ходим 250 метр ер қаъридан минералларга бой тоза ичимлик сувини тортиб олиб, 5 ва 10 литрли махсус идишларга қадоқламоқда. Ичимлик суви замонавий ускуналар ёрдамида 3 босқичда фильтрланади. Айни пайтда маҳсулотга ички бозорда талаб юқори.

– Корхонамиз 2016 йил август ойида ташкил этилган бўлиб, сувни 250 метр чуқурдан тортиб оляпмиз. Айни вақтда корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати кунига 10 тоннани ташкил этмоқда, – деди корхона раҳбари Мухтор Пирназаров. – Ҳозирги кунда асосан 5 ва 10 литрлик қадоқланган сув чиқараётган бўлсак, мақсадимиз – кейинчалик 1 ва 1,5 литрлик идишларда ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш. Бизнинг маҳсулотларга талаб юқори бўляпти, шу сабабли экспортни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Маҳсулотимизга Қозоғистон, Туркманистонда қизиқиш билдириляпти.

Тадбиркорлик субъектлари учун яратиб берилаётган бу каби имконият олис ҳудудларни ҳам қамраб олмоқда. Бунда асосан бўш турган бино ва иншоотлардан фойдаланиш ёки ҳеч нарса ўсмайдиган чўл ҳудудларини янги қиёфага келтириш масаласи устувор. Ҳудудда ҳаракатга келган мана шундай иқтисодий барқарорлик қорақалпоқ элига ижтимоий масалаларда ҳам ўз ўрнида ечим бўлмоқда. Нукус шаҳрида барпо этилган 180 ўринли "Kinder Land" нодавлат хусусий мактабгача таълим ташкилотининг ташкил этилиши шаҳар аҳолисини мамнун этди. Бу ерда яратилган имконият ва шароитлар Тошкентдаги бу каби масканлардан қолишмайди. Асосийси, жажжи болажонларга таълим-тарбия беришга чоғланган 20 нафар хотин-қиз ўз иш жойига эга бўлди.

– Мактабгача таълим ташкилотимиз 2014 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб ижара биносида турар эдик, – ташкилот тарбиячиси Лариса Раманова. – Кейинчалик мана шу замонавий лойиҳадаги, барча қулайликларга эга бино қуриб фойдаланишга топширилди. Муассасамиз 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни қамраб олган. Тарбия жараёни кичик шаклдаги рус ва инглиз гуруҳларга бўлинган ҳолда олиб борилади. Овқатланиш аутсорсинг тизимида. Таълим бериш давлат талаблари ва "Болажон" таянч дастури асосида инновацион шакл асосида йўлга қўйилган. Биз ишларимизни тизимли давом эттирган ҳолда ўтган йили умумий ўрта таълимнинг 1 синфини очдик. Мақсадимиз тарбияланувчиларнинг саломатлигини таъминлаш ва уларни мактаб таълимига тайёрлашдан иборат. Боғчамизда мактабгача таълимдан ташқари, умумий ўрта таълимнинг бошланғич синфлари йўлга қўйилган. Биз келгусида бу фаолият кўламини янада кенгайтириш ҳаракатидамиз ва яна энг яхши ўқитувчиларни фаолиятга жалб этиш ниятидамиз.

Аҳоли сонининг ўсиб бориши албатта, маиший сервис хизмат кўрсатишга бўлган талабни оширади. Бу борада тижорат банклари тадбиркорлар ва фуқароларга молиявий кўмакни яхшилаш мақсадида янги шохобчаларни ишга туширишмоқда. Мазкур лойиҳалар бир томондан қўшимча иш ўринлари ташкил этилишига, иккинчи томондан шаҳар инфратузилмасини замонавийлашувига сабаб бўляпти.

Мўйноқ – мамлакатимизнинг шимолий, энг олис ҳудуди. Пойтахт Тошкентдан қарийб 1 минг 333 километр олисда жойлашган. Ушбу гўша бугун бутун дунё ҳамжамиятини янги қиёфада қарши олмоқда. Бу ердаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, қолаверса, катта бунёдкорлик ишлари замирида бир мақсад мужассам – у ҳам бўлса, фуқароларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш, мўйноқликларнинг ҳаётига янгича мазмун олиб киришдан иборат. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб ўз иқтисодий салоҳиятини аста-секин йўқотиб, маълум вақт инқирозга юз тутган Мўйноқ шаҳрида бугун кўзни қувнатувчи ўзгаришлар бўлишига, тўғриси, кишининг ишонгиси келмас эди. Муҳими, айни пайтда ҳудудда иқтисодий қувватлар ҳаракатга келган. Маълумки, замонавий технологияларсиз чўл ҳудудларини ўзлаштириш ва у ердан юқори ҳосил олишни тасаввур этиш қийин. Ҳозирда халқаро молиявий ресурслар ҳисобидан Мўйноқ туманининг кам рентабелли ҳамда шўр босган майдонларига ишлов бериб, ердан тўлиқ фойдаланиш ишлари жадаллик билан бошлаб юборилди.

Орол денгизи қуриши оқибатида унинг қолдиқ сувларида пайдо бўлган артмия частоталари балиқ чавоқларидан фойдаланишда ишлатиладиган бошқа омухталарга қараганда жуда унумдор ва самарали ҳисобланади. Ҳозирда Артмия частотасини овлаш ва қайта ишлаш тармоғини такомиллаштириш ҳамда ундан юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, экспорт ҳажмини янада ошириш мақсадида туман ҳокимлиги қарори билан илгари Мўйноқ консерва заводига қарашли бўлган бино ва иншоотлар "Орол Артмия саноати" давлат корхонасига 0 қийматида берилди. Ҳозирда бу ерда катта ҳажмдаги реконструкция ишлари амалга оширилиб, иншоотлар ишлаб чиқариш ускуналарини ўрнатишга тайёр ҳолга келтирилди. Эътиборли томони, ушбу саноат зонаси кўплаб фойдали хом ашё ҳисоблангани боис айни пайтда Хитой, АҚШ, Россия, Эрон ва бошқа давлатларга экспорт қилинмоқда. Мамлакатимизнинг шимолий ҳудуди Қорақалпоғистонда бугун истиқболи бор лойиҳалар бисёр.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-843.
1900 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни –
Топширилди – 23.30. 1 2 3 4 5 6

Газетамизнинг навбатдаги сонлари 2022 йил 14 ва 18 август кунлари чиқади.